БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 4 июль Чоршанба
№ 124 (13.560).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



КПСС XXVIII съезди: иккинчи иш куни

3 июль куни КПСС XXVIII съезди Кремлдаги Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Бундан аввал КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг сиёсий ҳисоботи юзасидан маъруза қилганидан сўнг Марказий Комитет комиссияларига бошчилик қилган ҳамда сиёсий фаолиятнинг энг муҳим йўналишлари учун жавобгар бўлган Сиёсий бюро аъзолари ва аъзолигига номзодлардан 11 кишининг ҳисоботини ялпи мажлисларда тинглаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. КПСС бошқа раҳбарларининг ҳисоботлари секцияларнинг мажлисларида тингланади.

Душанба куни кечқурун ва 3 июль эрталаб Н. И. Рижков, В. А. Медведев, А. Н. Яковлев, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Э. А. Шеварднадзе, Ю. Д. Маслюков, В. И. Воротников, В. А. Крючков, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов ҳисобот бердилар.

Бу ҳисоботлар, уларни муҳокама қилиш чоғида баҳсларга сабаб бўлиши шубҳасиздир. Нутқлар оралиғидаги бўш вақтда делегатларга саволлар пайдо бўлганлиги тасодифий эмас. Масалан, Марказий Комитет тегишли комиссиялари фаолияти тўғрисидаги ахборот ёки умумий муаммолар билан чекланиб қолмаслик, энг муҳими, қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиришга қўшилган шахсий ҳисса тўғрисида, у ёки бу масала юзасидан тутган шахсий позицияси тўғрисида ҳисобот бериш кераклиги хусусида нотиқларга қилинган қатъий илтимос ўринли бўлди.

Табиийки, партиянинг ижтимоий, иқтисодий, миллий, мафкуравий, ташқи сиёсати барча делегатларни тўлқинлантираётган асосий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Шу боисдан ҳам делегатларнинг жуда долзарб муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўлини қандай қилиб топишдан манфаатдорлиги ғоят кучлидир. Гарчи сўзга чиққан нотиқлардан бирининг: беш йил ичида кўп иш қилинди, бу ишларни партия фаолияти билан боғлаш мумкин деган фикри етарли даражада қабул қилинган бўлса-да, ҳисоботда айтилган ҳамма фикрлар ҳам унда қатнашганларни қондирмагандек таассурот пайдо бўлади.

Айни вақтда партиянинг жамиятдаги сиёсий таъсири пасайганлигини бартараф этиш, одамларнинг қайта қуришга нисбатан иккиланган ишончини қайтариш зарурлиги тўғрисидаги сўзлар бир неча марта айтилди. Съезд минбаридан туриб айтилган қуйидаги умидбахш фикрни залда тўпланганлар қўллаб-қувватлашди: бугунги шароитда янгиланган, сўллашган ва ёшарган партиягина мамлакатни ўзгартиришларнинг жиддий йўлида бундан кейин ҳам бошлаб боришга қодир.

3 июль эрталабки мажлисда мандат комиссиясининг ҳам маърузаси тингланди ва тасдиқланди. Комиссия раиси Ю. А. Манаенков съездга сайлов КПСС Устави ва партия Марказий Комитети 1990 йил март Пленуми қарорларига мувофиқ ўтказилганлигини маълум қилди.

(ТАСС).

Партия XXVIII съездининг матбуот марказида

Кремлдан тўғридан-тўғри телевизион кўрсатув олиб борилганига ҳамда уни совет ва чет эл журналистлари кун давомида КПСС XXVIII съезди матбуот марказида кўрган ва тинглаган бўлишларига қарамай, 2 июль оқшомида матбуот марказида партия Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби В. А. Медведев билан бўлган учрашувда зал лиқ тўла эди.

Съезд ишининг бошланиши — Совет ва халқаро жамоатчилик интиқлик билан кутган воқеадир, деди у. Мамлакатимизда ҳам, чет элда ҳам бу съезддан кўп нарса кутилмоқда. Марказий Қўмита котиби съезд ишининг биринчи куни тўғрисида гапириб, у ишчанлик билан ва амалий вазиятда ўтганлигини, бунга катта тайёргарлик иши ёрдам берганлигини таъкидлади. Хусусан, ташкилий масалалар нисбатан тез ҳал қилинди. Бу шу масалаларнинг делегациялар вакиллари кенгашида дастлабки тарзда синчиклаб муҳокама қилинганлиги натижасидир.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Қўмитаси номидан қилган маърузани Марказий Қўмита котиби қайта қуриш йўлини кучли эҳтирос билан ҳимоя қилувчи ҳужжат деб таърифлади. В. А. Медведев маъруза тангликдан чиқиш йўлини кўрсатиб берганини таъкидлади, бу — қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш, уларни бундан буён ҳам изчиллик билан ривожлантириб бориш йўлидир.

Съезд иши яхши ва жиддий тарзда бошланди, ишни давом эттириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди, деди сўнгра Марказий Қўмита котиби.

В. А. Медведев журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

(ТАСС).



Қандай хирмон кўтарилиши саратонда тўкилган терга боғлиқ. Буни Оқ олтин ноҳиясидаги «Партия XXII съезди» давлат хўжалигининг Абдурашид Бойтемиров бошлиқ бригада аъзолари яхши билишади. Жамоа аъзолари эрта баҳордан 36 гектар майдонга чигит қадади. Ният: гектаридан 26,5 центнердан «оқ олтин» ундириш. Орзу ушалади. Чунки ғўзалар баравж. Бригада аъзоларининг кайфияти аъло.

СУРАТДА: бригадир-механизатор Абдурашид Бойтемиров.

Е. БОТИРОВ сурати.

Шу сонга хабар

Дам олиш куни

Якшанба — дам олиш куни. Шаҳарликлар учун бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Денов ноҳиясидаги 8 Март номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эса яқина дам олиш кунини умумий йиғилишда танлашларига тўғри келди.

— Илгари хўжалик аъзоси ўзи хоҳлаган куни ишга чиқмаслиги, яъни дам олиш кунини ўзи белгилаши мумкин эди, — дейди хўжалик раҳбари Эшмурод Хўжамбердиев. — Натижада баъзан унинг ўрнида ишлайдиган одам топилмай қоларди. Энди эса ҳам далалардаги, ҳам шахсий томорқадаги қилинадиган ишларни олдиндан режалаштириш мумкин. Албатта, якшанба кунлари ҳам ишлашига тўғри келадиган ходимлар топилади бор, аммо улар ўрим-йиғими даврида эса дам олишга ҳеч кимнинг вақти бўлмайди. Уларга йил якунларига кўра ана шу барча кунлар учун икки баравар ҳақ тўланади.

Умумий йиғилиш қарори билан болали аёллар учун қисқароқ иш куни ҳам белгиланган.

Ҳосил барвақт етилди

Шовот ноҳиясидаги «Правда» жамоа хўжалигининг Раҳим Ҳожибоев бригадасида ғўза гуллади.

Бригада далалари бегона ўтлардан яхшилаб тозаланган. Учинчи культивация ниҳоясига етказилмоқда, ғўзаларга иккинчи марта сув берилмоқда. Ўсимликлар органик ва минерал ўғитлар билан тўла-тўкис озиқлантирилмоқда.

Оила пудратининг жорий этилиши, хўжалик аъзоларининг ўз меҳнатлари пировард натижаларидан моддий манфаатдорлиги далаларда зарбдорларча меҳнат қилишга ундади.

Шу муносабат билан хўжаликда ўзаро текшириш ҳам янги сифат касб этди. Қўшни бригадаларнинг аъзолари бир-бирларига доимо меҳмон бўлиб турадилар: экинларни кўздан кечирадилар, камчиликларни аниқлайдилар, у ёки бу ишларни бажаришда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида маслаҳат берадилар.

Бу йил хўжаликда 770 гектар ерга пахта экилди, бу ўтган йилга нисбатан анча кам. Лекин аввалги пайтларда қанча ҳосил олинган бўлса, шунча ундиришга қарор қилдилар. Эртапишар ва олий навли хом ашё олиш ҳисобига ҳосилдорликка эришилади.

АТС ишга тушди

Фарғона вилоятидаги «Ленинград» давлат хўжалигида 200 номерли АТС ишга туширилди. Илгари бу ерда атиги 50 та телефон бўлиб, улар хўжалик дирекциясида, касалхонада, бошқа ишлаб чиқариш ва жамоат биноларидагина ўрнатилган эди. Янги номерлар хўжаликнинг олтита қишлоғида истиқомат қилувчи ишчиларга, уруш ва меҳнат ветеранларига берилди.

(ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

Комсомол турмуши: қайта қуриш қандай бормоқда?

ЕТАКЧИ НЕГА САЙЛАНМАДИ?

Наманган маданий-оқартув техникуми комсомолларининг навбатдан ташқари ҳисобот-сайлов йиғилиши кутилмаган натижа билан якунланди. Бир йилдан буён комсомол котиби бўлиб ишлаётган Ҳамиджон Холиқов ўз вазифасига сайланмай қолди, техникум комсомол ташкилотининг котиблигига иккинчи муқобил номзод Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол қўмитаси шўъба мудири Муҳаббат Исмоилова сайланди. Техникум талабалари комсомол етакчисини конкурс асосида танлаб олдилар. Ваҳоланки, ҳозирги давр талаби ҳам шундай. Демак, шикоятга, эътирозга ўрин йўқдек. Янги сайланган котиб ўз ишини тинч, ортиқча асаббузарликларсиз бошлайдигандек... Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳали техникумда талабалар ҳисобот-сайлов йиғилиши тўғрисида баҳс ва мунозараларни тугатмасларидан, вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби М. Н. Турсунов номига Х. Холиқовдан хат келди. Хатда қуйидаги сўзлар битилганди.

«Ҳурматли М. Турсунов! Сизга шуни маълум қиламанки, кейинги пайтларда техникумимизда ғаройиб воқеалар юз бермоқда. Баъзи педагог ходимлар менга қарши бўлиб қолишди. Бунда шаҳар комсомол қўмитаси муҳим роль ўйнамоқда. Бир йил мобайнида қўлимдан келганича комсомол котиби бўлиб ишладим. Мен қатор ишларни амалга оширдим. Кўплар ёрдам бериш ўрнига ишимдан камчилик ахтаришди, вазифамдан олиб ташлаш йўлларини қидиришди. Ниҳоят, яқинда ниятларига ҳам етишди.

1990 йил 22 март куни техникумимизда ҳеч бир сабаб ва асоссиз ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Ташкилотимиз ҳисобидаги аъзонинг 50 фоизи иштирок этмаётганлигига қарамай шаҳар комсомол қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири С. Ғаниев раҳбарлигида ВЛКСМ Уставига хилоф равишда йиғилиш бошланди. Сайлов пайтида шаҳар комсомол қўмитаси фаоллари, техникум маъмурияти томонидан комсомол аъзоларига нисбатан тазйиқ ўтказилди. Натижада овоз бериш жараёни бузилди. Умуман, мен сайловни нотўғри ўтган деб ҳисоблайман. Сиздан бўлиб ўтган фавқулодда ҳодисанинг асл сабабчи ва айбдорларини жазолаш учун шошилинч чораларни кўришингизни талаб қиламан».

Ҳа, хатда айбномалар талайгина. Унда жиддий эътироз ва норозилик ҳисси ҳукмрон. Шу боис мазкур шикоят хати билан чуқур танишилгандан сўнг, вилоят комсомол қўмитасида техникумда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов тафсилотини атрофлича ўрганиш ва унга аниқ баҳо бериш мақсадида махсус комиссия тузилди. Комиссияга вилоят комсомол қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Ж. Тўланов, шаҳар комсомол қўмитаси ўқувчи ва талаба ёшлар билан ишлаш бўлими мудири М. Шарипова, ташкилий ишлар бўлим мудири С. Ғаниев ҳамда камина кирдик.

Техникумга етиб келганимизда туш вақти яқинлашиб қолганди. Аммо фойелар, ўқув хоналари, спорт майдончалари талабалар билан гавжум. Йиғилишга техникум фирқа ташкилотининг котиби М. Акбаровани, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари А. Хожиевни ва бошқа педагогларни таклиф этдик. Лекин биз учун энг керакли одам — шикоят хати муаллифи, техникум комсомол қўмитасининг собиқ котиби Ҳ. Холиқовга бир неча бор йиғилиш тўғрисида хабар қилинганига қарамай, негадир келмади. Техникум педагоглари, талабалари, шаҳар комсомол қўмитаси фаоллари Ҳамидхон ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигинини айтишди.

Ҳа, кундалик ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Эҳтимол, тоби қочиб қолгандир, узрли сабаб бўлгандир ёки шикоят хатидаги айбномаларнинг исботланмай қолинишидан чўчигандир. Бу нима аразлашми ё кўпчиликни шунчалик овора қилишми, тушуна олмадик. Нима бўлганда ҳам бу ёғи бизга қоронғу қолди. Лекин техникумга, шаҳар комсомол қўмитасига сим қоқиб, келолмаслигини айтса бўлар эди-ку? Агар шундай бўлганда учрашувни бошқа кунга кўчирган бўлардик, албатта. Аммо бизда «келиб қолар» деган илинж ҳам йўқ эмасди. Шунинг учун суҳбатни усиз бошлашга мажбур бўлдик. Техникум комсомол талабалари кўпдан буён бундай очиқ мулоқотни кутиб юришгани шундоқ сезилиб турарди. Шунинг учун бўлса керак, суҳбатимиз кескин тус олди. Келинг яхшиси, талабалар сўзини эшитайлик.

Шоҳиста ҲАЙДАРОВА, комсомол қўмитаси котибининг ўринбосари:

— Ҳамидхон акани техникумда иш бошлаган пайтдан биламан. Ўшанда у кишини шаҳар комсомол қўмитасининг тавсиясига кўра сайлаган эдик. Аввалига иш бир оз жонланди, йиғилишлар тез-тез ўтказиладиган бўлди. Аммо, амалий ишларга «ҳадеганда» ўтавермадик. Аста-секин бор ташаббуслар ҳам сўнди. Ўтган йили талабаларимиз пахта йиғим-теримида қатнашишди. Ҳамидхон у ерда нима ишлар билан шуғулландилар билолмадик. Қўлимиздан келганича ўзимиз бир икки тадбир ўтказа олдик, холос.

— Озода АБДУРАҲМОНОВА, қўмита аъзоси, I курс талабаси:

— Мен Фарғонаданман, техникумга тўғри мактаб партасидан келдим. Мактабимизда комсомол ишлари юқори савияда эди. Бу ерда акси бўлиб чиқди. Ўзимиз санъат даргоҳида ўқисак-да, тузукроқ бирор нарса ўтказа олмаяпмиз. Жудаям сустмиз. Котибимиз фақат йиғилиш ўтказишни билади, қанийди улардан фойда бўлса. 23 февраль, 8 Март кунлари байрам кечаси ўтказдик. Лекин етакчимиз бунга ҳам вақт тополмадилар.

Фахриддин РАЖАБОВ, комсомол қўмитаси ҳарбий-ватанпарварлик шўъбаси мудири:

— Очиғини айтганда, Ҳамидхон акани иш усулига тушуна олмадим. Фақат буйруқ беришни, йиғилишларда соатлаб маъруза ўқишни биладилар. Ўзбекча умуман гапиролмайдилар. Билишимча, рус мактабида ўқиган эканлар, йиғилишларда нуқул русча сўзлайдилар. Қанийди, ҳамма уни тушунса. Шунинг учун тадбирларда фаоллик жуда паст.

Мушаррам МАҲМУДОВА: талаба:

— Техникумимизда оилавий шароити оғир талабалар кўпчиликни ташкил қилади. Билишимча, ана шундайларга вилоят, шаҳар комсомол қўмиталари номидан нафақа бериларкан. Бу ҳақда Ҳамидхон акага мурожаат қилдик. «Оилавий шароити оғир талабаларни аниқлаб, рўйхатини тузинглар», — дедилар. Айтганларидай қилиб, рўйхатни у кишига топширдик. Лекин ҳозиргача бирор иш қилинмади.

Ёрқиной БЕКМУРОДОВА, талаба:

— Ётоқхонамиз шаҳар ичига жойлашган. Биз, талабаларга бу ерда ўқиш ва яшаш учун шароит йўқ. Маҳаллий болалар қизларимизга тинчлик беришмайди. Дўконга ёки бозорга чиқишса, йўлини тўсишади. Бу ҳам майли-я, кечқурунлари ётоқхонамиз олдида магнитафон қўйишади, шовқин-сурон кўтаришади. Йигитларимиз доим бизларнинг ёнимизни олиб, улар билан жанжаллашишади. Ётоқхонамизда бизларни қўриқлаб ўқитувчиларимиз навбатчилик қилишади. Комсомол котибимиз ва қўмита фаоллари бу тартибсизликларни тугатиш йўлида ҳали ҳеч бир иш қилишгани йўқ. Участка милиционерлари, тартиб посбонларининг фаолиятлари сезиларли даражада эмас. Умуман, улар ёмон ишлашаяпти. Менимча, комсомол қўмитаси фаоллари билан оддий комсомол талабалар ўртасида алоқа узилган. Улар ўз ҳолича, биз ўз ҳолимизча. Албатта, бу ўринда бизнинг айбимиз ҳам катта.

Техникум комсомол қўмитаси фаолларининг, талабаларнинг бўлиб ўтган воқеалар ҳамда уларни қийнаётган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазаларини яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин уларнинг бирортаси Ҳ. Холиқовни ёқлаб гапиришмади. Яна шуниси қизиқки, кўпчилик талабалар комсомол қўмитаси фаолларини танишмас экан. Талабаларнинг гапларидан, кайфиятларидан билиш мумкинки, уларга комсомол ташкилотининг кераги йўқ. Комсомолга нисбатан ишонч йўқолган, техникум комсомол ташкилоти талаба-ёшлар ўртасида мавқеини анча тушуриб қўйган. Чунки мазкур ташкилотнинг шу пайтгача ёшлар талабини қондириш, улар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ишлари айтарлик йўқ даражада. Хўш ташкилот нега шу кўйга тушиб қолди? Бунга сабаб нима? Комсомол қўмитаси фаолларининг фикрига кўра, айбдор Ҳ. Холиқов. Тўғри, у ишни эплолмади. Ёшларга етакчилик қилолмади.

Лекин 15 нафар комсомол қўмитаси фаоллари шу пайтгача нима қилдилар? Бўлаётган воқеаларни кўра-била туриб, нега бонг урмадилар? Комсомол кабинети беркитилиб, ишлар юришмай, котиб ғойиб бўлганида нега шаҳар комсомол қўмитасига боришмади? Етакчимизни топиб берринглар, деб талаб қилишмади? Саволлар кўп, қониқарли жавоблар эса йўқ.

Ҳа, бировни айблаш осон, айниқса, орқасидан. Лекин ҳар қандай комсомол ташкилоти етакчининг ҳаракати билангина яшамайди-ку, ахир бу ерда қўмита аъзолари ҳам асосий куч ҳисобланишади. Аммо улар «нима бизга керакми», қабилида иш тутишган. Шу ўринда биз техникум фирқа ташкилотининг котиби М. Акбаровани ва бошқа педагогларни талаба ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятларига ҳам ижобий баҳо беролмаймиз. Мазкур ўқув масканида комсомолга фирқавий раҳбарлик суст, юзаки олиб борилади. Шу йил фирқа ташкилоти ташаббуси билан талабалар ўртасида таълим-тарбия жараёнига оид савол-жавоб анкетаси тарқатилган. Талабалар «умуман қониқмайман», деб жавоб қилишган. Шуниси қизиқки, ҳалигача анкета натижаларига асосан бирор иш, тадбир амалга оширилмаган.

Энди Холиқовнинг даъволарига келсак. Шу йил март ойида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилиши котиб томонидан йўл қўйилган камчиликларга, техникум комсомол қўмитаси рапортига, қолаверса вужудга келган заруриятга асосан чақирилган. Бундай тартиб ВЛКСМ Уставида қайд этилган. Йиғилишда 244 нафар комсомол аъзосидан 167 нафари иштирок этган. Бу ерда ВЛКСМ Уставининг бирорта банди бузилмаган. Сайлов пайтидаги тазйиқларга келсак, бу хусусда ҳисобот-сайлов йиғилишида иштирок этган баъзи педагог ва талабаларнинг фикрига қулоқ тутайлик.

Соҳибжон ҒАНИЕВ, шаҳар комсомол қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудири:

— Йўқ, ҳеч қандай тазйиқ ўтказмадик. Ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказиш зарурияти туғилгани кўпчиликка маълум эди. Техникум комсомоллари йиғилиш ўтказиш талаби билан чиқдилар. Лекин улар сайловга бирорта муқобил номзод қўёолмадилар. Шунинг учун биз етакчиликка Муҳаббатни тавсия этдик.

— Аҳмаджон Хожиев, тарбиявий ишлар бўйича техникум директори ўринбосари:

— Ҳисобот-сайлов Ҳ. Холиқов учун ғалаба билан тугаши мумкин эди. Аввало ўз айбларини тан олиб, хатоларини тушуниб, қўмита аъзоларидан кечирим сўрганида. Аммо у бундай қилмади.

Ҳа, комсомол етакчиси бўлиш осон иш эмас. Аввало бу вазифага тажрибали, ёшлар билан ишлай оладиган, уларнинг дардларига шерик, ҳамнафас бўла оладиган одамларни қўйиш керак. Бу ўринда шаҳар комсомол қўмитаси фаолларига эътирозларимиз кўп. Бу ерда ҳали ҳам комсомол кадрларини танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилган. Бир етакчини олиб ташлаб, иккинчисини тавсия қилиш шаҳар комсомол қўмитаси иш услубида одатий ҳолга айланган кўринади. Бу йўлда қўйилган хато оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини мана шу воқеа ҳам исботлаб турибди.

Техникум комсомол қўмитасининг янги сайланган котиби М. Исмоиловадан комсомол фаолларининг, талаба ёшларнинг умидлари катта. Лекин комсомол ишини фақат етакчи зиммасига юклаб қўйиш, томошабин, кузатувчи бўлиш билан комсомол ишига бирор янгилик олиб кириб бўлмайди. «Қарс икки қўлдан чиқади» деган нақл бор халқимизда... Демак, қўмита фаоллари ва комсомол-талабалар ўртасидаги узилишни тиклаш, ташкилотнинг келгусидаги мавқеини кўтариш бугунги кунда ҳар бир талабага боғлиқ.

Маъмуржон ҒАНИЕВ,
Вилоят комсомол қўмитаси матбуот шўъбаси мудири.

Тарғибот марказларида



Китоб — маърифат чироғи. Ким кўп ўқиса— зеҳни ўткирлашади, фикри теранлашади, хаёлий ҳаётдан ҳақиқий ҳаётга яқинроқ бўлади.

Лекин бир нарсани унутмаслик лозим: қандай китобни, кимнинг китобини ўқиш керак? Бу қийин. Аммо тажрибали, хушмуомала кутубхоначилар, китоб дўконлари сотувчилари бу ишда сизга яхши маслаҳат беришлари мумкин.

Суратда: Термиз шаҳридаги китоблар уйи сотувчиси Закия Раҳимова харидорларга мақбул китоб танлашларида ҳамиша яхши маслаҳатгўй.

И. ХЎЖАЕВ сурати, (ЎзТАГ суратхроникаси).

«Камалак» жилолари

Фарғонадаги 1-маданият уйининг хореография дастаси ўз гўзаллиги ва жозибадорлиги билан томошабинларни мафтун қилади. Шаҳарда машҳур бўлган бадиий жамоаларнинг бири ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Даста яна бир марта ўз маҳорати ва халқ жамоаси унвонини ҳисобот концертида исботлади.

Ижрочилар юртдошларини турли-туман рақслар билан хушнуд этишди. Ходималар ва талабалар, кутубхоначилар, ва тарбиячилар, иқтисодчилар ва мактаб ўқувчилари машғулотлар вақтида нима ўрганган бўлсалар ҳаммасини кўрсатишди. Ўзбек халқ рақслари ва СССР халқларининг рақслари, «Блюз», ва «Чарльстон», «Твист» ва ҳароратли «Ламбада»ни ижро этганларида томошабинлар уларнинг санъатига тасаннолар айтишди. Ўз ишининг жонкуяри, бадиий раҳбар Галина Ксенофонтова ана шу кечанинг қаҳрамони бўлди. У фарғоналик кўплаб қизларни рақс дунёси билан ошно қилган.

(ЎзТАГ).

Шундай ўқишхона бор

Андижон вилоятининг Избоскан ноҳиясидаги Гагарин номли 10-ўрта мактабнинг кутубхонасида ҳозирги кунда 14 минг 760 нусхадан ортиқ китоб фонди бор. Бу ерда китоблар сони кўпайиши билан бирга китобхонлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки тажрибали кутубхоначи Эъзозхон Турсунова ҳар бир китобхоннинг ўз дунёқараши, севган шоир ва ёзувчиси борлигини ҳисобга олган ҳолда иш юритади.

Шугина эмас, ўқувчиларни тобора кўплаб кутубхонага қизиқиб боришларининг яна бошқа сабаблари ҳам бор. Жумладан, Эъзозхон китобхонлар билан ўқиган китоб ҳақида, асардаги қаҳрамонлар хусусида, ундан олган маънавий озуқа ҳақида тез-тез суҳбатлар уюштириб туради. Китоб инсон дунёқарашини қанчалик бойитиш, унинг қудратли кучи ҳақида аниқ мисоллар билан ўтказадиган суҳбатлари мухлислари сафини янада кенгайишига омил бўляпти.

Шу кунларда фидойи кутубхоначи ўқувчиларнинг ёзги таътил пайтларининг қизиқарли ўтишига ҳисса қўшиш ниятида олдиндан режалаштирилган тадбирларни ўтказмоқда. «Нима яхши-ю нима ёмон?», «Ким кўп билади?» мавзуларидаги суҳбатлар кичик ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган бўлса, кутубхонанинг катта ёшдаги аъзолари учун «Инсон одоби билан», «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан» кечалари мўлжалланган.

Х. ТОЖИМАТОВ.

Хорижидан хабарлар

Телетайп лентасидан

● ЛОНДОН. Саутгемтон дорилфунуни маъмурияти Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа муаммоларини ўрганиш юзасидан стратегик тадқиқотлар янги маркази ташкил этилишини эълон қилди. Янги марказ Лорд Маунтбэттен номи билан аталади ва фақат дорилфунун архивидаги Европа хавфсизлиги ва халқаро муносабатлар муаммоларининг турли томонларига даҳлдор 250 мингта ҳужжат ва 50 мингта фотосуратнигина эмас, шу билан бирга ҳаётлигида турли юқори лавозимларда ишлаган, шу жумладан, қуролли кучлар бош штабининг бошлиғи бўлган Маунтбэттен архивидаги жуда кўп ҳужжатларни ҳам ўз ичига олади.

Саутгемтон дорилфунуни профессори Рэймонд Плантнинг «Таймс» рўзномаси мухбири билан қилган суҳбатида таъкидлашича, янги марказ Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар ҳамда СССР ва Шарқий Европа мамлакатларининг ички аҳволига доир турли муаммоларга тааллуқли тадқиқотлар тайёрлаш хусусидаги буюртмаларни бажариши тахмин қилинмоқда.

● КРАН-МОНТАНА (Швейцария). Бу ерда Европа муаммолари бўйича Шарқий Европа мамлакатларидаги туб ўзгаришларга бағишланган халқаро анжуман тугалланди. Швейцария тоғларидаги бу курортга қарийб йигирма мамлакатдан келган сиёсат ва жамоат арбоблари, корчалонлар, молия ходимлари, назариётчи-иқтисодиётчилар уч кун мобайнида ялпи мажлисларда, секциялар йиғилишларида ва кўплаб норасмий учрашувлар чоғида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари қаттиқ бошқарилувчи иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитда қитъада ҳамкорлик ва биргаликдаги ҳаракатларнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Анжуманнинг деярли барча иштирокчилари Умумевропа ва жаҳон барқарорлиги манфаатлари бундай ўтишнинг энг безиён шаклларини таъминлаш заруратини келтириб чиқармоқда, деган якдил фикр билдирдилар. Қитъадаги барча мамлакатларнинг фаол ҳамкорлиги мазкур мақсадга эришишда ёрдам бериши лозим.

● ВАШИНГТОН. ГФЖ шу йилнинг биринчи кварталида четга маҳсулот сотиш суръатларининг ўсишида Қўшма Штатлардан ўтиб кетиб, шу кўрсаткич бўйича жаҳонда етакчи ўринга чиқиб олди, деб хабар қилди халқаро валюта фонди. Фонднинг тарқатилган докладида таъкидланишича, Ғарбий Германия экспортининг шу даврдаги ҳажми 99,8 миллиард долларга етди, бу эса 1989 йилнинг дастлабки уч ойидагига нисбатан 18 фоиз кўпдир. Айни пайтда Америка экспорти 97,2 миллиард долларга етди — ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 10 фоиз ўсиш бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, якшанба куни расман кучга кирган ГФЖ ва ГДЖ иқтисодий иттифоқи бирлашган Германияга келаси йилларда жаҳондаги четга энг кўп мол сотадиган давлатга айланиш имконини беради.

Экспорт ҳажми бўйича учинчи ўринда Япония бормоқда. Ҳозир у чет элга 68 миллиард долларлик мол сотмоқда.

(ТАСС).

СИГАРЕТАЛАРНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШ ТАҚИҚЛАНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС мухбири Сергей Бабич). Нью-Йорк шаҳар савдо ишлари кенгашининг раиси М. Грин тамаки маҳсулотлари тайёрловчилардан сигареталарни ҳар қандай йўл билан реклама қилишга барҳам беришни талаб этди.

«Тамаки маҳсулотлари билан савдо қилувчилар,— деб ёзади у «Нью-Йорк таймс» рўзномаси саҳифаларида,— ҳар куни беш минг харидордан маҳрум бўлишяпти. Улар чекиш оқибатида келиб чиққан касалликлардан вафот этишаяпти ёки чекишни ташлашаяпти. Тамаки саноати вакиллари бу талафотларнинг ўрнини тўлдириш учун ўсмирларга тобора кўпроқ эътибор бериб, уларни мумкин қадар тезроқ ўзларининг доимий мижозларига айлантиришга уринмоқдалар. Бунинг учун улар тамаки маҳсулотларини реклама қилишда энг машҳур болалар бадиий ва мультипликацион фильмларининг, телепрограммаларнинг қаҳрамонларидан фойдаланишмоқда».

Тамаки маҳсулотларини реклама қилишга Қўшма Штатларда ҳар йили 3,2 миллиард доллар пул сарфланмоқда. Бу ҳар бир америкаликка 12 доллардан тўғри келади, деган гап. Бундай сарф-харажатлар беҳуда кетмаяпти. Қўшма Штатлар бош жарроҳи тайёрлаган докладда айтилишича, ҳар куни 3 минг ўсмир чека бошламоқда. Гэллап хизмати ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш шуни кўрсатдики, 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган чекувчи ўсмирлар 1989 йилда ундан аввалги йилдагига қараганда 30 фоиз кўпайган. Бунга кўп жиҳатдан ўсмирларнинг «Роллинг стоунс» каби севимли жарчиларида тамаки маҳсулотларининг реклама қилинаётганлиги сабаб бўлмоқда, деб ҳисоблайди мақола муаллифи. Сигареталар рекламасини кўпинча турли фильмларнинг ўсмирлар яхши кўрадиган қаҳрамонлари тасвири туширилган майкаларда ҳам кўриш мумкин.

Тамаки маҳсулотларини радио ва телевидение орқали реклама қилишга қарши мамлакатда амал қилаётган тақиққа қўшимча тарзда, деб ҳисоблайди Грин, мамлакат конгресси тамакини ҳар қандай йўл билан реклама қилишни тақиқлаб қўйиши зарур. «Биз бутун жамиятимизни, шу жумладан, унинг энг ҳимояланмаган қисми — болаларимизни тамаки заҳридан муҳофаза этишимиз лозим»,— деб таъкидлайди Грин.



Болани қандай кўтарган яхши? Биздагидек бағрига босибми ёки айтайлик, Африка мамлакатларидаги каби мато билан орқасига боғлабми? Қайси бири қулай? Масалан, сиз суратда кўриб турган болакайнинг онасига унча малоли йўқ. Чунки она қўлларида бошқа нарсаларни кўтариб юриши мумкин.

СУРАТДА: конголик болакай онаси билан.

ТАСС суратхроникаси.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИ

ТОКИО. (ТАСС мухбири Андрей Варламов). Токиодаги ажойиботлар олами — «Диснейленд» Япониядаги одамлар доим навбат кутиб турадиган камдан-кам жойларнинг биридир. Япониядаги бу энг катта кўнгилочар боғ бунёд этилганига етти йил бўлганлигига ва шу вақт ичида бу ерга 81 миллион киши келиб, кетганига қарамай, навбат камаймаяпти. Аксинча, сеҳрли саргузаштлар оламида ҳеч бўлмаса бир кун бўлишни истовчилар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бир кундан кам вақт ичида эса бу ердаги мўъжизаларнинг ярмини ҳам кўришга улгуриб бўлмайди. «Ажойиботлар олами фақат болалар учун бунёд этилган, деб ўйлаш хато бўлур эди,— дейди «Ориентал ленд» фирмасининг ижрочи директори, боғнинг эгаси Т. Кагами.— Статистлар катта ёшлилар бу ерга болаларга нисбатан уч баравар кўп келишини ҳисоблаб чиқишди».

«Ориентал ленд» Токио кўрфази соҳилидан ер сотиб олиб, уддабуронлик билан иш юритди, ажойиб инфраструктура яратди, амалда пойтахтнинг янги ноҳиясини вужудга келтириб, уй-жой қурилишида муваффақият қозонди. У очилганидан кейин ўтган уч йил ичидаёқ фирма бу қурилиш учун сарфланган 150 миллиард иен (қарийб 950 миллион доллар) пулни чиқариб олди. Кейинги тўрт йил мобайнида «Диснейленд» фақат даромад келтирмоқда. Бу, солиқларни чиқариб ташлаганда ўртача 10 миллиард иен (62,5 миллион доллар)ни ташкил қилади.

Бироқ эртак шаҳри жойлашган 46 гектар ер унга келувчилар оқими учун ҳозирнинг ўзидаёқ торлик қилиб қолаяпти. Шу муносабат билан «Ориентал ленд» «эртак ҳужуми» режасини тайёрламоқда — яқин келажакда бу ерда яна иккита боғ, меҳмонхоналар ва бошқа зарур иншоотлар пайдо бўлади. Демак, буюк Уолт Дисней: «Ажойиботлар олами батамом қуриб битказилди, деб ҳисоблайдиган вақт ҳеч қачон келмайди. У доимо кенгайиб бораверади»,— деганида ҳақ эди.

Табиат ва биз

ТОҒДА ҚАНДАЙ ЮРИЛАДИ?

Бизда ғалати одат бор. Ҳар йили кўкламда умумхалқ хашари ўтказамиз. «Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирамиз» деб шиорлар ёзамиз, сўзнигор-ойнаи жаҳондан бонг урамиз, шошилинч мажлислар ўтказиб, ҳаммани сафарбар қиламиз. Керак бўлса, ўқишни тўхтатиб қўйиб, минг-минглаб мактаб ўқувчиларини ишга соламиз. «Топшириқ бажарилди» деб ҳисобдан ўтиб олсак, бас. У ёғи билан ишимиз нима?.. Кўчатни парвариш қилиш, авайлаб-асраш, суғориш озиқлантириш эса худо йўлига қолаверади. Ҳолбуки, шунча тадбирлардан кейин бутун ўлкамиз аллақачон боғ-роғларга бурканиб, мева-чеванинг конига айланиб кетиши керак эди. Йўқ, аксинча, йилдан-йилга боғ-роғлар камайиб: меванинг баҳоси осмону фалакка чиқиб кетмоқда. Узоққа бормасдан, Тошкент бозорларини бир айланиб кўринг. Аҳвол равшан бўлади-қўяди. Озгина маош билан тирикчилик қиладиган оилалар нима қилишини билмай гаранг. Боласига олма-узум олиб едирсинми ёки кийим-бош олиб берсинми? Бу ёқда гўшт етмайди, қанд-қурс, совун, ижара ҳақи...

Хашар йўли билан экилган кўчатлар не аҳволдалигини ҳам Тошкент кўчаларини кезиб, яққол сезишингиз мумкин. Йўл чеккаларига ҳар хил кўчатлар ёнма-ён қалаштириб, қадаб кетилаверган. Уларга қуёш нури тушишини, лоақал шамол тегиб туриши лозимлиги билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Йўл ёқаларига-ку мевали дарахтлар экилмаганини тўғри тушунса бўлади. Машиналардан тинимсиз чиқиб турадиган заҳарли дуд остида битадиган мева-чевадан эҳтиёт бўлганимиз маъқул. Бусиз ҳам турли-туман юқумли касалликлар тўлиб-тошиб ётипти. Аммо йўлдан узоқдаги майдончаларда, иморатлар орасида, ташкилотларнинг ҳовли-майдонларида мева бермайдиган «қуруқ савлат» дарахтларни кўплаб экиб қўйилганига ва улар ернинг кучини бекорга ўғирлаб ётганига қўшилиб бўлмайди. Ёзувчи Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» номли мақоласидан кейин шаҳар кенгашида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Аммо аҳвол унчалик ўзгарганича йўқ. Ёки бундан икки-уч йил олдинги Тошкент вилояти фирқа қўмитаси қабул қилган қарорни эслайлик. Унда пойтахт вилоятида жаннатмакон боғлар барпо қилиш режалари айтилган эди. Рўзномаларда боғбонлар, олимлар, ёзувчилар, турли мутахассислар шу ҳақда қатор-қатор мақолалар эълон қилишди. Қанча таклиф, қанча истак, қанча маслаҳат, қанча ваъда... Аммо амалда кўзга кўринарли натижа йўқ. Хўш, буларнинг асл сабаби нимада ўзи? Нега шунча меҳнат сарфлаймизу, самарасини кўрмаймиз? Нега шундай? Ҳолбуки, бу ерда жудаям бош қотирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Айтайлик, шаҳар майдонларидаги манзарали деб авайланаётган, аслида мевасиз дарахтдан воз кечиш керакми? Ахир жумҳуриятимиздагидек ажойиб иқлим, қуёш ҳарорати бошқа жойда йўқ. Шунинг учун ҳар бир қарич тупроқдан, ердан фойдаланиб қолсак, у ерга мевали дарахт кўчати эксак, ана шундагина аҳвол ўзгариши ҳаммамизга маълум-ку! Шундай бўлгандан кейин ҳадеб мажлис ўтказиб, кераксиз қарору буйруқ чиқаравергандан кўра, амалий ишга ўтишимиз керак эмасми? Аммо биз яна ўйлаб қоламиз. «Шунча соя бериб турган (!) дарахтни суғуртириб ташласам, эртага ўзимга гап тегиб қолмасмикин? Ҳеч ким чақириб буйруқ бермаяпти-ку! Яхшиси, қўй, тинч юрганим маъқул. Оч қорним, тинч қулоғим». Мана шу лоқайдлик, ўзибўларчилик, хўжакўрсинчилик оқибатида ишимиз олға силжимаяпти. Баҳорда не-не яхши ниятлар билан бошлаган ишларимиз чала-чулпа, ўлда-жўлда қолиб кетаяпти.

Бу билан мен амалда ҳеч қандай иш бўлмаяпти, демоқчи эмасман. Йўқ, иш бўлаяпти. Кўчатлар экиб, янги боғлар барпо этилаяпти. Бунга айниқса, ўқувчилар муносиб ҳисса қўшаётгани қувонарли ҳодиса. Мен шу ўринда биргина мисол келтириб ўтай. Бўстонлиқ ноҳиясида «Хўжакент» давлат хўжалиги бор. У асосан боғдорчилик, узумчиликка ихтисослаштирилган. Аммо фалакнинг гардишини қаранг-ки, афсонавий боғлар ўлкаси бўлиб келган бу ерда «суғориладиган ерларда сабзавот экилсин» деган кўрсатма туфайли асрий боғлар йўқ қилиб юборилди. Ҳозир машҳур боғлардан деярли ном-нишон қолмаган. Хайриятки, хўжалик раҳбарлари хатони тузатиш учун сабот билан ишга киришдилар. Райкомнинг янги биринчи котиби Акбарали Йўлчиев ноҳия табиатини муҳофаза қилиш ва эски боғлар шуҳратини тиклаш борасида амалий иш бошлашга киришди. Хўжаликка тажрибали иқтисодчи, узоқ йиллар «Ленинград» давлат хўжалигида раис бўлиб ишлаган Акрам Пратовни директор қилиб сайлашни тавсия этди. Серғайрат Акрам ака хўжалик бош агрономи Эргаш Мирзааҳмедов ҳамда бошқа фаоллар билан биргаликда ишга киришди. Ҳозир барча бўлимларда, жумладан, Тиллавой Давлатов мудирлик қилаётган биринчи бўлимда гектар-гектар ерларга нок, олма, ўрик, олхўри, узум кўчатлари экилиб, парвариш қилинмоқда. Кези келганда айтиш кераккй, Эргаш Мирзааҳмедов ҳам қўлигул боғбон ҳисобланади. Унинг шахсий ташаббуси ва жонкуярлиги туфайли экилган 400 гектардан кўп тоғ бағридаги ўрикзор ҳосилга кириб, ҳар йили минглаб тонна ширин-шакар мева бермоқда... Бундай мисолларни бошқа хўжаликлардан ҳам келтириш мумкин. Аммо ҳали булар дарёдан томчи, холос.

Гап Бўстонлиқ ноҳиясига тақалгани учун мен шу баҳонада яна бир-икки оғиз ўз кузатишларимни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги пайтларда матбуотда Бўстонлиқ ҳақида кўп ёзилмоқда. Қизғин мунозара ва баҳсларга тўла бўлган мақолаларни Бўстонлиқ фарзанди сифатида ўқир эканман, бундан кўп йиллар олдинги қутлуғ бир анжуман хаёлимдан ўтди. 1956 йилда Бўстонлиқ ноҳияси Ўзбекистон ССР ихтиёрига ўтказилган пайтда улкан қозоқ ёзувчиси Собит Муқонов билан академик шоиримиз Ғафур Ғулом ўртасида машҳур мушоира-айтишув бўлиб ўтган эди. Собит оға Мирзачўлни сепсиз қизга, Бўстонлиқни азамат ўғлонга ўхшатган экан. Ғафур ака одатдагидек ҳозиржавоблик билан шундай сўзларни айтган эди: «Дўстим Собит Қозоғистон жумҳурияти Олий Кенгашининг кечаги сессиясида «ўзбекларга Мирзачўлни сепсиз қиз қилиб узатаётипмиз, ўзбек халқи бу қизни гуллар билан безатар» деган экан. Бу билан Собит мени айтисувга чақирган чиқар. Куёвларга хос таъзим билан айтадиган сўзим шу.

... Бўстонлиқ районини етук
бир йигит — депсан,
Мен уни ичкуёв деб қабул
қилганим бўлсин.
Бизнинг орзумиз шулки,
келажак чаманлари
Бизга набира бўлган янги
авлодга тўлсин.
Халқимизнинг чинакам Бўстон
шифохонаси,
Бўстонлиқ ўз исмини умрлар
оқлай олур.
Яшил арчазорларни, инжудай
булоқларни,
Бахмалдай ўтлоқларни ўзбек
ардоқлай олур.

Шоирнинг бу мисраларини эслар эканман, хижолатдан ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Сабаби, академик шоиримиз халқ номидан берган ваъдани бажара олдикми? Бўстонлиқни қадрига етдикми? «Яшил арчазорларни, инжудек булоқларни, бахмалдай ўтлоқларни» ардоқлай билдикми? Минг афсуски, йўқ! Мана, энди унга мадад бериш чорасини тополмай, мажлис устига мажлис чақириб, гаранг бўлиб ўтирибмиз.

Бугунги кунда бу масканни гўзал келинчакка ҳам, навқирон куёвга ҳам ўхшатиб бўлмайди. Ҳозирги Бўстонлиқ кўпроқ етим болани эслатади. Халқимизда етимнинг эгаси қуш деган мақол бор. Бўстонлиқнинг ҳам эгаси кўпайиб кетган. Тошкентдаги турли ташкилотлар минг бир баҳона, минг бир қуллуқ, ваъда, тавозелар билан ноҳия ҳудудидан дам олиш, кашшофлар лагери, соғломлаштириш масканлари қуриш учун минглаб гектар ҳосилдор ерларни, ажойиб боғлар ўрнини эгаллаб олишга улгурганлар. Уларнинг ҳаммаси ҳозир ўз ҳудудига хўжайин: хоҳлаган ишини қилади, хоҳлаган нарсасини қуради, хоҳлаган дарахтини кесади. Биргина мисол келтираман. Авиация заводининг «Кристалл» пансионати Хумсон ҳудудида жойлашган. Унинг рўпарасида, кўприкка етмасдан, йўл ёқасида ажойиб улкан унгур тош бор эди. Булоқлар милдираб чиқиб, унгур ичида томчи-томчи бўлиб, худди танга сочилаётганга ўхшаб томиб ётарди, ажойиб сув ўтлари осилиб, афсонавий ғорни эслатарди. Унинг ёнида катта булоқ тошлар орасидан шалоладек оқиб тушарди. Бу ердан кимки ўтса, пиёда бўлсин, машинада бўлсин, отуловда бўлсин, бир лаҳза тўхтаб, дам олиб, булоқ сувидан ичиб, роҳатланиб кетарди... Йўлни кенгайтириш баҳонаси билан ана шу ажойиб унгуртош портлатиб юборилди, ҳозир ўрни жарлик бўлиб ётибди. Илгариги гўзал манзарани энди ҳеч ким ҳеч қачон тиклай олмайди. Кўрган, билганлар алам билан хўрсиниб қўяди, кўрмаганлар армонда. Агар бояги «хўжайинча»ларда гўзалликни ҳис қилиш, уни асраб-авайлаш туйғуси бўлганда, бошқачароқ иш тутишарди. Бу ерни янада обод қилиб, ўриндиқлар ўрнатиб, чиройли манзилгоҳга айлантиришарди. (Кавказ ёки Қримда бўлганда, албатта, шундай қилишарди). Салгина чиқим билан йўлни унгуртошка тегмасдан ҳам кенгайтириш мумкин эди. Темир тўсинлар ёки бетон блоклар ўрнатиб, йўлни дарё қирғоғи бўйлаб олиб кетса бўларди. Йўқ, улар энг арзон ва осон йўлни танладилар. Сабаби, табиат қиёфасини бузганлиги, асрлар қўйнидан омон чиққан гўзал манзарани йўқотгани учун ҳеч ким тергамайди, ҳеч ким жавоб бермайди... Лоақал маҳаллий ташкилотлар салгина бош қотирганда ҳам аҳвол бутунлай бошқача бўларди.

Бўстонлиқ қиёфасининг ўзгаришида Чорвоқ сув омборининг таъсири ғоят катта бўлди. Ноҳиядаги табиий мувозанатнинг бузилиши тўғридан-тўғри ана шу улкан сув иншооти қурилишидан бошланди десак адашмаймиз. Бугун бу сув омбори ноҳия хўжалиги учун қанча фойда бераётганини билмайману, лекин зарарини аниқ кўриб турибмиз. Боғлар, экинзор майдонлар сув остида қолиб кетди, қишлоқлар кўчирма қилинди. Деҳқончилик қилинадиган ер майдонлари қисқарди. Сув омбори табиий шамол йўлига тўғри келади. Чотқол дарасидан чиққан кучли шамол оқими денгизда сув қуриган паллада чўкиб қолган кўплаб қум уюмларини учириб, атрофдаги далалар, қишлоқлар устига сочмоқда. Бу ёқда Орол денгизи сувсизликдан қуриб бормоқда. Биз эса икки миллиард кубометр сувни Тошкент тепасида зўрлаб тутиб турамиз...

Ҳозир Тошкентдан электр поезд Хўжакентга бир неча марта қатнайди. Чорвоқ, Бурчимулла, Чимёнга автобуслар мунтазам юриб турибди. Ерли аҳолининг ташвиши камайди-ю, аммо, очиғини айтганда, бу қулайликдан табиат жабр кўрди. Сабаби, саёқ «табиат шайдолари» учун катта имконият очилди. Энди хоҳ қиш бўлсин, хоҳ ёз бўлсин, тоғ сайрига отланган тўда оламонни ҳар қадамда учратамиз. Уларнинг қадами тегмаган жой Бўстонлиқда қолмади, ҳисоб. Айниқса, шанба-якшанба кунларида Хумсон, Сижжак, Чорвоқ атрофлари, Наволисой, Майдонтол томонлар одамга тўлиб кетади. Енгил машиналар тоғнинг энг олис бурчакларигача етиб боради. Бу «ёввойи» оламоннинг табиатга етказаётган зарарини санаб-саноғига етиб бўлмайди.

Умуман олганда, тоғ сайрига чиқиш ҳар жиҳатдан фойдали. Уни таъқиқлаш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Кейинги ҳафтадаги ишингиз қанчалик унумли, самарали бўлиши равшан. Бир ҳафталик қайноқ меҳнатдан кейин оила аъзоларингиз билан ёки ошна-оғайниларингиз билан сершовқин дарё бўйларида дам олиб, чарчаган асабларингизни жойига келтириб қайтсангиз қандай яхши! Аммо биз тоғда қандай юришни, ўзимизни қандай тутишни деярли билмаймиз. Табиат неъматларига ҳеч қачон тугаб битмайдиган, ҳар қанча олганинг билан адо бўлмайдиган нарса сифатида қараймиз. Дарахтларни кесамиз, шохларини синдирамиз, ҳайвонот дунёсига қирон келтирамиз, майса-гиёҳларни топтаймиз, гул-лолаларни аёвсиз юлиб, уруғини қуритамиз. Ишлатиб бўлган идишларимизни, қоғоз уюмларини, дуч келган жойга улоқтириб, атрофни булғатамиз. Ана шундай масъулиятсизлигимиз, орқа-олдини ўйламаслигимиз, онгсизлигимиз туфайли шу кунларда Бўстонлиқ тоғларида лола бутунлай йўқолиб кетди. Кўплаб доривор ўтлар йўқолиш арафасида турибди.

Бўстонлиқнинг бир қисмини миллий боққа айлантириш ҳақидаги гап мана неча йилдан бери оғиздан-оғизга ўтиб юрибди. Бу — яхши тадбир. Уни кечиктирмай амалга ошириш керак. Ана шундагина бояги саёқ оломоннинг йўли тўсилади.

Ўзбекистон табиатини қўриқлаш мутасаддиларидан бири Ориф Алимов бир суҳбатида Бўстонлиқ табиатига кислота ёмғирлари ҳам катта зарар келтираётганини алоҳида таъкидлади. Хўш, бу кислота ёмғирлари қаердан келиб қолди? Улар қандайдир номаълум сайёралардан эмас, Чирчиқдаги «Капролактам» ва кимёвий заводлардан тарқалади. Мазкур заводлардан чиқаётган заҳарли тутунлар ва оқава сувлар яқин атрофни ифлослантириб бўлди. Кислота ёмғирлари пастдан шамол туриб қолган пайтларда Бўстонлиқнинг энг олис қишлоқларига ҳам етиб боради. Турғунлик йилларидан энг оғир мерос бўлиб қолган «Капролактам» заводини бошқа жойга — чўлга кўчириш фурсати етди. Фақат Бўстонлиқ табиати эмас, Чирчиқ шаҳри ва унинг атрофидаги ўнлаб қишлоқлар, қолаверса, Тошкент аҳолиси саломатлигини ўйлаб, бу ишга зудлик билан киришиш тарафдориман.

Мана, кўрдингизми, ҳали олдимизда қиладиган ишларимиз кўп. «Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради» дейди халқимиз. Биз фақат кўчат экиш билангина кифояланиб қолмайлик. Уни авайлаб-асраш, парваришлаб вояга етказиш ва ширин-шакар мевасидан аввал ўзимиз, сўнгра халқимизни баҳраманд қилиш учун масъулиятни зиммамизга олайлик. Тезроқ амалий ишга ўтайлик. Ана шундагина ҳам серобгарчилик, ҳам арзончилик бўлади.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди,
СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ШОВҚИН КУЧЛИ БЎЛГАЧ

⊙ КАМЕРУННИНГ БЕРТВА шаҳрида там-там чалиш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда мусиқа ишқибозларидан 123 киши қатнашди.

Мусобақа олти ярим соат давом этди. Биринчи соврин — ажойиб араб тулпори шаҳарлик Эдуард Мандарага насиб қилди. Бу мусобақада ҳамма иш жойида бўлгани йўқ, кўнгилсизликлар ҳам бўлди: жюри аъзоларидан бири узоқ давом этган кучли шовқинга чидай олмади ва мазаси қочиб госпиталга жўнатилди, деб ёзади «Гамбургер абендблат» (ГФЖ) рўзномаси.

ИС БИЛАР МАШИНА

⊙ ЯПОНИЯДАГИ ФИРМАЛАРДАН бирининг мутахассислари ўғирлаб кетиш мумкин бўлмаган автомобиль яратдилар.

Гап бу ерда ҳидни аниқлайдиган мослама устида бормоқда. Машинага ўтириб калитни бурашдан олдин ҳайдовчи салондаги махсус қурилмага бир неча бор пуфлаши керак. Агар ҳид автомобиль эгасиникига тўғри келсагина мотор ўт олади, деб хабар қилган Булғориянинг «Орбита» ҳафталикномаси.

ИЛОН ТУТУВЧИ КОМПЬЮТЕР

⊙ ИЛОН ЗАҲАРИНИ ОЛИШ хавфли бўлиш билан бирга ўта чаққонликни ҳам талаб қилади. Илонлар билан муомалада бўлганда эҳтиёткор бўлиш лозим.

Леонадо (Индонезиядаги Сулавеси ороли) яқинидаги медицина марказида илонлардан заҳар олишда автомат системадан фойдаланилади. Оператор ЭҲМ хотирасидан қайси илондан заҳар олиш пайти келганлигини аниқлайди ва ЭҲМга зарур кўрсатмани беради. Эластик «қўллар» билан таъминланган манипулятор ўша заҳоти керакли илонни тутиб, эҳтиёткорлик билан идишга олиб боради ва илоннинг жағини сиқади. Илон идиш четини тишлаши билан ундан бир томчигина заҳар чиқади. Кейин манипулятор илонни яна ўз жойига қўйиб қўяди, деб ёзади «Бильд» (ГФЖ) рўзномаси.

Хотира

Ҳиндуқушдан таралади бир нола,
Юракларни титратиб зир-зир нола.
Қаранг, қонга ботиб ётар бир дала,
Мангу армон бўлиб кетган ўғлонлар...

Муҳаммад ЮСУФ

АРМОН

Инсон қалби битиклари. Унинг қат-қатларига назар ташлар эканмиз, ушалмай қолган орзулар, армонлар нақадар кўплигини сезамиз. Нега шундай? Нега ҳаёт ва ажал оралиғи жуда қисқа? Ноўрин қўйилган биргина қадам, бу ёғи ҳаёт, у ёғи... Шу қалтис қадамни ташламасликнинг иложи йўқми?

Яқиндагина машъум уруш 20 миллион ватандошимиз номини мангу хотирага айлантирганди. Улуғ Ватан уруши берган сабоқ урушда ғалаба қилиш эмас, балки урушни бошламай туриб, унинг олдини олиш зарурлигини исботлаган эди.

Шунга қарамай, бу шафқатсиз уруш сабоқлари 34 йил ўтгач, унутилди. Кейин эса...

1979 йилң совет қўшинлари Афғонистонга олиб кирилди. Бу гал биз тўрт йил эмас, балки салкам ўн йил оғир таҳлика остида яшадик. Шу ўн йил ичида «менинг болам... менинг ёрим... менинг дўстим чекига Афғонистон тушмасин-да» деган ягона илинжни барчамиз қалбимизга кўмиб яшадик.

Афғонистондан сўнгги совет қўшинлари олиб чиқилган куни, бир қўлини ўзга тупроқда қолдириб қайтган собиқ байналмилал-жангчи билан суҳбатлашдим:

— Мен бу кунни орзиқиб кутгандим, — деди у ҳаяжонини яшира олмай. Афғонистон — эл қарғаган урушдир. У ёқдан тирик қайтишимга кам ишонардим. Ҳалиям кўз олдимга жон берган дўстларим келаверади. Шундай кунга етганимдан бахтиёрман...

Шу сўзларни хотирамда қайта-қайта тикларканман, беихтиёр шу кунларга етмаганлар ҳақида ўйладим.

* * *

Эркиннинг ҳам орзулари барча тенгдошлари каби оламга сиғмасди. Бироқ у орамиздан эрта кетди. Биз тириклар хотирасида у мангу ўн тўққиз ёшли ўспиринлигича муҳрланиб қолди.

* * *

— Ўғлингиз тўғрисида гапириб берсангиз?

Ҳамро акага бу саволни бериш мен учун нақадар оғир бўлганини, шу бир оғиз сўзни айтиш олдидан қанчалик мулоҳаза юритганимни билсангиз эди. Қўлимда мактабдан олинган ҳужжатлар, устозларнинг хотиралари битилган ён дафтарча. Барибир бу ҳужжатлар Эркин ҳақида тўлиқ маълумот беролмайди. Ҳамро акани шаҳар комсомол қўмитасида учратганимда дилимдагини тилга кўчиришдан сақлана билмадим.

— Яхшиси, уйга борайлик, Эркиндан келган ҳар бир хатни сақлаб қўйганмиз. Уларни кўрасиз. Шу баҳонада турмуш тарзимиз билан танишасиз.

Ҳамро аканинг таклифини бажонидил қабул қилдим. Аслида ниятим ҳам биргина марҳум жангчи ҳақида эмас, унинг ота-онасига кўрсатилаётган ғамхўрликлар тўғрисида ҳам ёзиш эди.

Шаҳарнинг Ҳамро акалар оиласи истиқомат қилётган «Факел—3» посёлкасига автобус қатнамайди. Пиёда йўлга тушдик. Ҳамро акани зимдан кузатаман. Миқтигина гавда кичрайганидан кичрайиб бораверади. Отани фарзанд доғи муддатидан олдин қаритган. Ниҳоят мўъжазгина ҳовлига етиб келдик.

— Очиғи, сиз мухбирлардан гинамиз кўп, — дейди Ҳамро ака. — Ҳар гал Афғонистон қаҳрамонлари ҳақида ўқиганимизга ўксиниб қоламиз. Орадан қарийб уч йил ўтибдики, бизнинг фарзандимиз тўғрисида ҳеч ким бирон сатр ҳам ёзмади.

Отанинг кўзларига аламли ёш қалқади. Мен эса сукут сақлайман. Бир томони оиланинг ҳали битиб улгурмаган яраларини тирнаётганимдан мулзамлик, иккинчи томони бемаврид сўз қотиб, суҳбатни бўлиниб қолишидан қўрқув устунлик қилади. Ота ўғлини меҳр билан эслайди. Унинг мунгли овозида юракни ларзага соладиган бир дард бор. Бу фарзанд доғи. Бир умрга армон бўлиб қоладиган доғ.

— Мана, Эркинжонимнинг хатлари, — суҳбатимизга аралашди хонадон бекаси Хосият опа.

Унинг қўлидан бир даста хатни оламан. Юзларини ажин тўлдирган муштипар она кўзларига қалқиган ёшни рўмолининг учи билан артади.

* * *

Қаҳрамон бўлиб туғиладиларми, ёки жасорат ёш танлайдими? Йўқ! Қаҳрамонлар орамиздан етишиб чиқади. Тўғри, Эркиннинг ҳаёт йўли ҳам, қизиқишлари ҳам бошқа тенгдошлариникидан унча фарқ қилмайди. Чунки бизда катта ҳаёт остонасида турган ёшлар учун илм йўлидан бориб, ўз севган соҳаси бўйича мутахассис бўлиш, бирон касб этагидан тутиб, обрў-эътибор қозониш, хуллас ҳамма-ҳаммасига йўл очиқ. Турмушнинг бу чорраҳасида кишилар турлича йўл тутадилар. Кимдир мартабали суянчиқларига таянади, енгил-елпи ҳаёт кечиришга интилади. Кимдир ҳаётни барча ташвишлари ҳамда қувончлари билан ҳис этишга интилади, мустақил йўл танлайди. Эркин ана шу иккинчи тоифадагилар жумласидан эди. Ўрта мактабни тугатгач, отасининг қистовига қарамасдан олий ўқув юртига киришдан воз кечди: «Вақт келиб сиртқида таълим оларман» деди. Аметхон Султон номли давлат хўжалигининг бедачилик бригадасида сувчи бўлиб ишлай бошлади. Одатда унинг иш куни эрта бошланиб, кеч тугарди. Деҳқон меҳнатининг аниқ тартиби йўқ.

Эркиннинг овунчи ҳам, севинчи ҳам техника эди. У шофёр бўлишни орзу қиларди.

1985 йилнинг октябри. Ўша куни Эркин ишдан эрта қайтди. Бу вақтда қарилик гаштини сураётган Ҳамро ака кўпинча уйда бўларди. У ўғлининг ишдан эрта қайтганини сезмасдан қолмади:

— Ҳа ўғлим, бугун ишингга бормадингми?

— Ҳарбий комиссариатда эдим. Ариза бердим. Тенгдошларим қатори ҳарбийга кетмоқчиман.

— Тўғри ўйлабсан ўғлим, — маъқуллади ота. — Тинчлик даври, анамана дегунча икки йил ҳам ўтиб кетади. Қайтанга юрт кўрасан, дўст орттирасан. Кейин бемалол ўқийсанми, ишлайсанми, ўзинг биласан.

Кечки пайт нонушта устида Хосият опа кўз ёш қилди:

— Эркинжон ҳали нимани кўрибди, ҳеч бўлмаса акаси Тўхтамурод армиядан келганидан сўнг кетса ҳам бўларди-да, отаси?

— Сен ундай дема, қара Эркинжоннинг бўйи етиб қолди. Вақтида бурчини ўтаб келгани маъқул, — хотинини тинчлантирган бўлди Ҳамро ака.

Уч кундан сўнг Эркинни армияга кузатиб қолишди. Кейин соғинч билан ёзилган мактублар келди. Уларнинг бирида қуйидаги сўзлар ҳам бор эди. «Ҳозир Термизда тайёргарликдан ўтаяпмиз. Кейин хизматни Афғонистонда давом эттирсак керак».

...АФҒОНИСТОН. Бу сўзлар дилларга қанчалик қўрқув солмаганди ўшанда. Ахир халқ орасида «фалончининг ўғли Афғонистонда ўлибди», «фалон қишлоқлик бир йигитнинг ўлиги келибди» деган гап-сўзлар оралаб юрганида қайси ота-она дилбандига даҳшатли урушни раво кўрарди,

тублар мазмунан бир хил: «Бизда тинчлик, сизларни жуда соғиндим» деган сўзлардангина иборат эди. Орадан анча муддат ўтиб, бу хатларни ўқир эканман, ўзимча хаёлга толаман.

Ҳаётнинг ҳеч ерда ёзилмаган қонунлари ҳам бор. Улардан бири шодлик билан ғамнинг эгизаклигидир. Улар етаклашиб юради. Шодлик ҳукм сурган жойга ногоҳ ғамнинг аралашиши инсон турмуш тарзини тубдан ўзгартиради.

Ҳамро ака бошлиқ оила бахтиёр эди. Бир ёқда Эркиндан, иккинчи томондан Тўхтамуроддан мактублар келиб турарди. Улар ҳарбий хизматларини яхши ўтказишаётганларини ёзишарди. Соғинч элчиси бўлган ҳар бир мактуб оилага қувонч олиб кирарди. Ўша машъум кун — 1986 йилнинг 3 сентябрида ҳам Эркинжондан хат (бу хат энг сўнгги эмас, Эркиннинг азаси очилганидан кейин ҳам у ҳаёт пайти ўз қўли билан ёзган уч мактуб келди) олишганди. Биргалашиб ўқишган, фарзандларининг саломатлигидан қувонишганди. Кечки пайт кимдир дарвозани қаттиқ урди.

— Қара-чи, ким экан? — деди қизи Тамарага Ҳамро ака.

Кўп ўтмай Тамара қайтиб келди:

— Ҳарбий формадаги киши, сизни сўраяпти.

дейсиз?

Шу-шу бўлди-ю, Ҳамро акани Хосият опа ўтирса ҳам, турса ҳам тинч қўймас, йиғлар, дийдиёсини қўймасди.

— Энди болагинамнинг ҳоли не кечади? Ахир отасиз-ку, сиз ҳам бир йўлини қилинг.

— Нафасингни иссиқроқ қил, — жеркийди хотинини Ҳамро ака.

Барибир ота юрагининг бир четини қўрқув эгаллаган. Бироқ, начора, ичидагини сиртига чиқарса, хотинининг куйган юрагини яна куйдиради. Ҳамро ака урушга кирмаган бўлсада, унинг даҳшатларини яхши билади. Улуғ Ватан уруши йилларида қора хат келиб, аза очилган хонадонларни кўп кўрган. Қолаверса, урушнинг сўнгги йилида ўн саккиз ёшли ўспирин пайти ҳарбийга кетганида сон-саноқсиз қурбонларни, вайроналарни ўз кўзи билан кўрганди.

— «Яхши ният, ярим давлат» онаси, кўз ёшингни йиғиштир-да, йўл тараддудини қил. Эркинжоннинг ёнига бориб келамиз.

Ҳамро ака қалингина альбомдан сурат олиб, менга узатади:

— Ўшанда Эркинжон билан сўнгги бор суратга тушаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмагандим. Ҳали уни бағримга босиш, орзу-умидларимга етиш ниятим бор эди.

Суратга кўз ташлайман. Ўртада она, унинг бир томонида ота, иккинчи томонида ўғил. Оиланинг мангу хотираси бу сурат...

* * *

1986 йилнинг февралида Эркин хизмат қилаётган қисм Қандаҳорга кўчирилди. Энди у йўллаётган мак-

Ҳамро аканинг юраги шув этиб кетди: «Ҳарбийнинг менда нима иши бор экан. Эркинжон Афғонистонда, Тўхтамурод Германияда хизмат қилаётган бўлса? Бошқа армияга борадиганимиз йўқ».

Дарвоза олдида ноҳия ҳарбий комиссари В. И. Ермак Муборак қишлоқ Совети ижроия қўмитаси вакиллари билан турарди. Комиссар Ҳамро ака билан қуюқ сўрашди. Лекин унинг сўз оҳангидан ҳадиксирашни сезиб олиш қийин эмасди. Ниҳоят у «ёрилди»:

— Ўғлингиз Эркинжон...

— Йўқ, сиз адашаяпсиз...

Ҳамро аканинг изидан чиққан Хосият опа билан Тамара ҳам қотиб қолишди...

— Ҳеч кимнинг фарзанди йигит ёшида ўлмасин, — дейди Ҳамро ака алам билан. — Эркиннинг ўлими қалбимизда ўчмас яра бўлди. Бу афғон урушининг яна бир асорати шундаки, укасининг вафот этгани тўғрисидаги хабар қизимиз Тамарани ҳам йиқитди.

Ота мени қизи ётган хонага бошлаб кирди. Тўшакка сингиб кетган гавда. Врачлар Тамаранинг асаби қаттиқ зарб еганини айтишибди. Ҳозир у иккинчи группа инвалиди.

* * *

Ибн Сино номли мактабга Афғонистондан қуйидаги мазмунда хат келди:

«Салом ҳурматли ўқувчилар! Сизга ҳамқишлоғингиз Қорлиев Эркин Ҳамроевич хизмат қилган ҳарбий қисм инженерлик-сапёрлик ротаси комсомол қўмитаси котиби ёзаяпти. Ҳамқишлоғингиз 1986 йил 31 августда Афғонистонда байналмилал бурчини ўтаётган пайтда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Бу воқеа эрта саҳарда, Шарқда эндигина август қуёши бош кўтараётган пайтда содир бўлди. Якшанба куни эди. Тўғри, бу дам олиш куни бизда одатдагидан ўзгача бошланди. Бўлинмамиз йигитларига муҳим жанговар топшириқ берилди. Йўлга чиқиш олдидан йигитлар бир-бирларига «тинчлик бошқа кунга қолдирилади» деб ҳазиллашишди. Миналаштирилган йўлни тозалаш буюрилганди, уларга.

Эркин Қорлиев бизнинг ротада атиги олти ой хизмат қилганди. Лекин шу қисқа фурсатда у ўзининг энг яхши фазилатлари билан қуролдошлари орасида ажралиб турарди. Унинг ҳисобида йигирмадан ортиқ зарарсизлантирилган миналар ва фугас бомбаси бор эди. Ўша куни ҳам Эркин иккита фугасни зарарсизлантирди. Умумий ҳаракатлар эвазига топшириқ бажарилди. Сапёрлар изларига қайтишди. Шу фурсатда улар йўлда ташландиқ дўкон харобасида душман пистирмасига дуч келишни ўйлашмаганди. Қўққисдан отилган душман ўқи Эркинни йиқитди. У жиддий жароҳатланган бўлишига қарамасдан, энг сўнгги нафасида ҳам «қолган йигитлар омонми?» деб сўради.

Эркин Қорлиев вафотидан сўнг «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Биз ўз қуролдошимиз хотирасини бир умр қалбларимизда сақлаймиз.

Ҳурматли болалар ва ўқитувчилар! Сизга, сиз орқали мактаб дирекциясига, партия, комсомол ташкилотларига шундай ажойиб ВЛКСМ аъзосини тарбиялаганликлари учун чин юракдан миннатдорчилик билдирамиз. Сиз Эркиндан ўрнак олинг, бу билан фахрланинг!

Отрядингиз Э. Қорлиев номи билан аталишини эшитиб хурсанд бўлдик. Бу номни аъло ўқишингиз, жамоат ишларида активлигингиз билан оқланг.

М. МИРОШНИК,
рота комсомол ташкилоти котиби, гвардиячи катта сержант».

Бу хат ҳозир мактаб бошланғич ҳарбий таълим кабинетида сақланаяпти. У Эркиннинг жасоратидан бир мужда холос.

Ўлим — тирикликка қўйилган нуқта. Жасорат — мангуликка тикланган ҳайкал. Ҳар гал ҳаётингни минг бор таҳлика остига қўйиб, ажал қуролини зарарсизлантиришга бориш жасорат эмасми? Йигирмата зарарсизлантирилган мина. Айтишга жуда осон. Аслида бу йигирма ажал устидан қозонилган ғалаба, йигирма бора узайган ҳаёт, йигирма ёки ундан ҳам кўп хонадонга кириб бормаган аза дегани. Биз жасур қуролдошимиз Эркин Қорлиев билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Унинг номи, ёрқин хотираси ардоқлашга, абадийлаштиришга лойиқ. Сариқ қишлоғи оқсоқоллари шу ерда жойлашган мактабга Эркиннинг номи берилишини сўраб бир қанча жамоат ташкилотларига мурожаат этишди. Бироқ бу хайрли иш ҳамон қўллаб-қувватланмаяпти. Ўтган йили хотира куни ўтказилаётган вақтда ноҳия фаолларидан бири Муборак шаҳридаги марказий кўчалардан бири Эркин Қорлиев номи билан аталажагини билдирганди. Аммо гап-гаплигича қолиб келаяпти. Яхшиямки, кашшофлар ўз отрядларига жасур ҳамқишлоқлари номини беришди. Лекин бизнингча, бу оз, жуда оз.

* * *

Фирқа ва ҳукуматимиз ҳалок бўлган байналмилал-жангчиларнинг оиласига катта имтиёзлар бермоқда. Жойларда бу борада қилинаётган эзгу ишлар тўғрисида эшитаяпмиз, вақтли матбуот нашрларида ўқияпмиз.

Беихтиёр хаёлга толаман: «Бўзчи белбоққа ёлчимайди» деганлари рост экан. Ҳамро аканинг хонадонига қишда борсангиз ўтиролмайсиз. Совуқ. Шароитлар бир нави. Наҳотки газчилар шаҳарчасида ҳам табиий газга зор бўлиб ўтирган хонадонлар учраса? Муболаға эмас, «Факел—3» посёлкасини газлаштириш қатор йиллардан бери мутасадди кишилар назаридан четда қолаяпти. Ваҳоланки, уйларга газ қувурлари ўрнатилган. Тўғри, иситиш батареяларини кимлардир ўзлаштириб юборган. Аммо арзимаган камчилик дея кишиларни у идорадан бу идорага қатнатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, уйларни «мендан ўтгунча, эгасига етгунча» қабилида топширган раҳбарлар фаолиятига тегишли баҳо берадиган вақт етди.

Ҳамро аканинг уч хонали уйни олгунча дуч келган тўсиқлари ҳам алоҳида бир ҳикояга мавзу бўла олади. 1987 йил бошида Ҳ. Қорлиев қишлоқдаги уйларини зах босганлигини айтиб, шаҳардан уй беришларини сўраб, шаҳар фирқа қўмитасига мурожаат қилган эди. Раҳбарлар эса «Факель—3» посёлкасида қурилаётган ғиштин турар-жойлардан бирини ажратишга ваъда қилишганди. Шу орада раҳбарлар алмашди. Ҳамро акага ваъда берганлар ўрнига янги кишилар келди. Улардан бири жаброийдида отага:

— Сиз айтган уйни бошқа кишига бермоқчимиз. Уй олмоқчи бўлсангиз, ваъда берган кишиларни топинг, — деб жавоб қайтарди.

Ҳамро ака маҳкамабоз раҳбарга зора раҳм-шафқат этса, деган илинжда унинг ҳузурига хотинини ва касалманд бўлиб қолган қизини йўллади. Уларга берилган жавоб олдингисидан ҳам ошиб тушди:

— Сизлардек нобоп кишиларни қабул қилмайман...

— Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, — дейди Ҳамро ака ҳокисор ҳолда. Байналмилал-жангчининг отаси эканлигимни пеш қилмасам-да, чорак аср газ саноати соҳасида ишлаган ветеран сифатида янги уй олишга ҳақлиман-ку, ахир? Ука, сиз ўша нобоп деган сўзнинг мазмунини биласизми?

Шусиз ҳам қалби яра бўлган кишига қандай жавоб беришимни билмай қолдим.

* * *

«Муборак — Қарши» асфальт йўлининг чап томонида ҳазин бир маскан — «Мангулик» қабристони бор. Бу ерда минглаб кишиларнинг ҳоки пойи ётибди. Марҳумларни эслаш учун шу қабристонга келганингизда устига қуйидаги ёзувли ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган қабр олдида ҳам бир зум тиз чўкинг:

«Байналмилалчи-жангчи
Эркин ҚОРЛИЕВ
1967—1986...»

Абдунаби АБДИЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.



Мода • Мода • Мода • Мода

Замонавий одам қандай кийиниши лозим? — испаниялик бичиқчилар ушбу саволга ўнгдаги суратда акс этган либослари билан жавоб бердилар.

Албатта, ҳар миллатнинг ўз ахлоқи, анъаналари мавжудки, у ўша миллатга мансуб инсонларнинг кийинишига таъсир этмасдан қолмайди... Шу жиҳатдан олганда ўзбек хотин-қизлари учун испан бичиқчилари яратган либосларни кўрсатишнинг нима кераги бор, дегувчилар ҳам топилар. Бизнингча, ўз миллийлигимизни сақлашга интилиш жаҳон аҳли қандай кийинаётганлигидан бохабар бўлишни инкор этмайди.

ЭФЭ — СИТА сурати.



Мода • Мода • Мода • Мода

БЕЛОРУССИЯ ССЖ. Могилев шойи матолар бирлашмасида янги ишлаб чиқариш тармоғи — тикувчилик фабрикаси вужудга келди. Тўқимачилар ўзлари яратган матодан ажойиб, арзон нархдаги либослар тика бошладилар. Янги корхонага ёш мутахассис С. Ванькович раҳбарлик қилаётир.

Корхона Белоруссия жумҳурият модалар маркази ҳамда Ленинград, Москва моделлар уйлари билан яқин алоқада бўлиб турибди. Фабрика ходимлари корхона қувватини йилига 200 мингдан зиёд либослар чиқаришга қадар етказишни режалаштиришяпти.

СУРАТДА: фабрикада тикилаётган спорт костюмларининг янги моделлари.

С. ЖЕЛУДОВИЧ, В. ШУБА суратга олишган.
(СИТА сурат лавҳаси).

Мавзуга қайтиб

КАФТИНГИЗГАДА ЭКИНГ

Бағри хун уммонимизни асраш борасида гап-сўзлар авжига чиққан маҳал. Рўзномамиз экспедиция ташкил этди. Уни «Жайҳун-88» деб номлагандик. Экологиямиз аҳволини ўрганишни ният қилган бу ҳаракат аъзолари 1114 километрдан зиёд масофани босиб Оролга боргандилар.

Денгизимиз нега қурияпти? Кейин нима бўлади? Унинг чанқоғини босадиган Амунинг аҳволи қандай? Ўзимизча шу саволларга жавоб қидирганмиз. Айримларига муносабатимизни ҳам билдирувдик.

Хўш, кейинчи? Кейин қандай бўлди?!

Тарихнинг чархпалагини асрлар оша айлантирган Чилпиқ қалъанинг рўпарасидаги манзара ҳамон хотирада. Қалъанинг қаршисида иккита қувур бор. Салобатли. У эса гумбурлаганча дарёнинг сувини сўраяпти. Албатта ўғринча. Биров билади, бошқа йўқ. Сал қуйироқда тамомила бошқача манзара. Кўпларга аёнки сувнинг табиийлигини асраш, унинг зилоллигини таъминлаш борасида дарё бўйида атайлаб ҳимоя майдонлари қолдирилади. У ерларга тегиш мумкин эмас. Қонунда кўрсатилган бу. Шундоқ эсада биз ҳимоя чизиқларида деҳқончилик қилинаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Ҳатто ўзан ихтиёрдаги майдонларда пахта униидирилаётибди-я.

Ўғирлик эди бу. Чунки ўша заҳира ерлар гектаридан 40-45 центнердан ҳосил олишда елкадошда. Табиийки, режада у кўрсатилмайди. Ҳимоя чизиғида!

Бекбой тўқайи ёқалаб ҳам шундай ноҳушлик ҳукмрон эди. Рўй-рост ўғирлик. Бировнинг дакки бергиси йўқ. Ҳам ер, ҳам ўша жойда унган экинни суғориш учун сув, ўғит ва ҳоказоларни ҳисобдан ташқари берилаётганини қандай номлаб бўларди? Қўш ўғирлик!

Бу ҳақда ўша кезлари рўзномамизда ёзилди ҳам. Орадан икки йил ўтгач яна йўлга отландик. Ҳимоя ерларида аҳвол қандай?

Оролнинг қуриб битаётгани, шу ҳудудда экологик аҳволнинг чидаб бўлмайдиган даражага етиб қолаётгани маҳаллий маъмурлардан бир қатор чора-тадбирлар кўриш, воҳа табиатини сақлаб қолиш йўлларини излашни талаб қилди. Шу маконда яшаб қолиш-қолмаслик ҳақида ўйлаш лозим эди-да. Дастлабки хайрли иш Амударё қирғоқларига дов-дарат экиш, ўрмонлар барпо этиш бўлди. Дарёнинг қирғоғидан атиги уч юз қадам масофа муҳофаза чизиғи деб эълон қилинди. Кўп йиллик қуруқ гапдан амалий ишга ўтилгандек бўлинди. Кексалар бу ишни бор йўғи «қайтиш» деб баҳолашди холос. Чунки, узоқ мозийга сайр қилишга ҳожат йўқ. 60-йилларда ҳам дарё бўйларида тўқайлар мавжуд эди. Қирғоқнинг асрлар таркиб топган ҳайвонот дунёси, ўсимлик олами бўларди. Кейин қўриқ ерлар очишдек «буюк ўзгариш»лар бошланиб кетди. Ким кўп тўқай бузиб, ҳайвонлар инига ўт қўйса, борлиққа талофот етказса, қаҳрамон бўлди. Нишон тақди...

Муҳофаза чизиғида не аҳвол. Гарчи бу майдонлар ҳеч бир хўжаликнинг экиш режасида бўлмасада, эски одат бўйича уруғ қадаш ҳамон давом этмоқда. Ёки ўз билганларидан қолишмаяпти. Муҳофаза чизиғига кирувчи майдонларга шоли, пахта, чорва озуқаси экинлари экилгач, уларга албатта кимёвий дорилар ишлатилади ва бу оқавалар дарёга истасакда-истамасакда ташланаверади. Хўжалик раҳбарлари буни билишадими? Албатта. Аммо, ўз кулбаларига ўт қўйишдан қайтишмайди. Бўлмаса...

Рақамлар сўзламасин. Хонқа ноҳиясининг тўртта хўжалиги муҳофаза чизиғига кирувчи 522 гектар майдонга эгалик қилишади. Гарчи бу ерлар ўрмон хўжалиги ихтиёрига ўтказилган бўлсада, қайсар раҳбарлар маззахўрак бўлиб қолишган. Ерлардан осонликча воз кечгилари йўқ. «Ленинград» жамоа хўжалиги 34 гектар майдонда, Ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги 45 гектар майдонда шоли ундирган.

Гурлан ноҳиясидаги Ленин номли хўжалик беш гектар майдонда ғўза ундириб олди. Ўрмон хўжалигининг шу ерда эллик икки гектар ери бор. Аммо хўжалик раҳбарлари ерни тортиқ қилишга шошилмаяптилар. «Бу йил ҳам экайлик, кейин бир гап бўлар» қабилида баҳона изланмоқда. Айрим раҳбарлар муҳофаза чизиғи масаласи ўткинчи, эрта-индин яна орқага қайтиш бўлади, деган умидда.

Шу ноҳиянинг «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги 23, «Коммуна» жамоа хўжалигидаги 24,5 гектар майдоннинг бошидаям шу кўргулик. Гўё шундоқ бўлиши лозимдек. Кўр-кўрона ўғирлаш. Шу ноҳиядаги 60-қурилиш-таъмирлаш бўлинмаси дарё бўйида ёрдамчи хўжалик ташкил этганди. Бу юлғичлик камлик қилганми, у ерда ҳозирда муҳофаза чизиғи ичкарисида бино қуриш бошлаб юборилган. Айримлари қад ростладиям. Янгибозор ноҳиясининг «Маданият» жамоа хўжалиги ҳудудида янги барпо бўлаётган тўқайзорларда чорва моллари бемалол боқилмоқда. Ваҳоланки, бу ерларга чорва молларни киритиш умуман мумкин эмас.

Ҳазорасп ноҳияси даҳлсиз майдонлардан 373 гектарига ҳамон эгалик қилмоқда. «Партия XXI съезди» жамоа хўжалиги 31 гектар майдонга уруғ қадаган...

Санайверсак, рақамлар кўп. Айтишдан фойда нима?

Вилоят ижроқўми шу юзасидан чиқарган қарорнинг ижроси бўйича вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси яқинда текшириш ўтказди. Унда аниқланган камчиликларнинг эса сон-саноғи йўқ. Энг аянчлиси, уч юз метрлик ҳимоя чизиғи ҳамон тўла белгиланмаган, «Узгипрозем»нинг вилоят бўлими тўлиқ лойиҳахарита ишлаб чиққанича йўқ. Муҳофаза чизиғи ичкарисида ўрмонзорлар барпо этиш ўта суст олиб борилаяпти. Кўчатлар қаровсизликдан қуриб қолиши, қайта-қайта ниҳол ўтказиш одатий ҳолга айланган.

Текшириш ўтказилди. Айбдорлар аниқланди. Кимларгадир чора кўрилди, жарима солинди. Ҳаракатларни тўхтатиш юзасидан ёзма кўрсатмалар тарқатилди, жуда ҳаддидан ошганларнинг ишлари прокуратурага оширилди. Хўш, нима ўзгарди бу билан? Ҳеч нима! Чунки, бундай қонунсизлик ҳолатлари биринчи марта бўлаётгани йўқ. Ҳар йили баҳор ойларида бир марта текшириш ўтказиш билан нимаям ўзгарарди. «Хўп-хўп» деб кўксига қўл қўйиб, узрини айтган раҳбарлар эрта-индин ўша майдонларга ўз билганларидан қолмай уруғ қадашади. Кейинги йилгача бир гап бўлар...

Шу ишга масъул вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва ижроқўми қарорнинг бажарилишини тўла назорат қилолмаётган экан яна кимдан гина қилса бўлади?


Бизнинг бир оғиз айтадиган гапимиз бор. Ўша хўжаликларнинг қайсар раҳбарларига! Пахта бу «фахримиз», муқаддас экан, уни барча майдонларга, йўлаг-у кўчаларга, боғроғларга,борингки хона ичи, стол устиларига ҳам экинг. Агар камлик қилса, кафтингизгада эксангиз бўлаверади. Ўша пахтага сажда қилиш, уни тавоф қилиб кўзингизга суртиш осонроқ кўчади...

Боз бир гап. Ёшуллиларнинг бахтига муҳофаза чизиғи омон бўлса, бас. Уларнинг юки ерда қолмайди, фақат бир хавфли жойи бор. Юртни, халқни алдаб обрў орттирганлар, табиатнинг ризқини қийганларни худо қарғайди.

Ёқмадими? Чиданг, зеро табиатга қилинган зўравонлик, ғайриинсоний хатти-ҳаракат бизга ҳам ёқмайди.

Рўзимбой ҲАСАН,
Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи»нинг махсус мухбирлари.

Ёшлар ижоди



Вафо Файзулла 1963 йилда Бухоро вилоятининг Навоий ноҳиясида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Айни пайтда «Ленин учқуни» рўзномасида хизмат қилади.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

Билардим

Келишингни билардим турна,
Хуржинингга қўшиқлар
жойлаб.
Тилни яшил кўнглимдан
сўра,
Келишингни билардим
Машраб.
Мен ёзмадим ёлғончи
шеърни,
Тошбақалар ташиб келди
СЎЗ.

Қуёш қазиб қишнинг
гўрини,
Келишингни билардим
Наврўз.
Булут қувди жанжалкаш
варрак,
Ушламоққа саводи чала.
Суюнчи чўз, фарзанд
муборак,
Ўз қонига бўлган дала.

Оҳакчида

Оҳакчида пишди шафтоли,
Кесаклардан хуркиб
қизарди.
Оҳакчида қизнинг хаёли,
Гунг йигитнинг тилин
безади.
Қуртга мучни берган
шафтоли,
Қийналади тотли бўлолмай,
Ёрн ётни қучган Чумоли,
Тўлғонади ўлиб ўлолмай.
Нигоҳ тирик, телба хаёлдор.
Дард йўғмаган қалбни
топади.
Сўрилмаган шафақ
лабларни,
Бахтли гуноҳ билан ёпади.
Шамол калтаклаган
шафтоли,
Йиғлашидан чўчийди кампир.
Хасис дили уйғоқ чолнинг,
Бепул келган қоронғу
тажир.
Оҳакчида югурмоқда куз,
Қиз танлайди, танлайди
мева.
Оҳакчида ҳусни ойдай қиз,
Совчиларга қилади сажда...
Гунг йигитнинг ишқи
шафтоли,
Қизаргиш даҳшатли ҳайрат.
Бахт туғади қизнинг хаёли,
Янчиб ёқ учида сийрат.

* * *

Суратимдан эзилди гулим,
Қурбонинг сузилди гулим.
Кўзаларидан тиккан
белбоғи,
Рўмолчаси ишқнинг уюғи...
Чимилдиқда ўлтурдик
хомуш,
Сарғайдн-эй, қарғалган
болиш.
У ўзга, мен ўзимга ғарқ,
У ўзича, мен ўзимча Шарқ.
Кўнгли аркдек бузилган
гулим,
Қон даламдан узилган
гулим...

Сонет


Мен нечун дардимни дарёга айтдим,
Сўзини тупроққа кўмганлар озми.
Қон йиғлаб дарёдан тупроққа қайтдим,
Бугун гўзаллар одам, одамлар гўзми!
Баҳорнинг чечаги бўғди ўлимни,
Тупроқнинг тилини тушунган авом.
Шамолнинг қиличи чопса гулимни,
Дарёнинг кўйлаган кийганлар тамом.
Ўзимни англамай англадим сизни,
Тупроқнинг боласи, дарёнинг қизи.
Офтоб кўрасидан маъраган қўзи,
Мен очман — кўнгилдан излаган ўтлоқ.
Ҳаёт, дардлар билан сени боқамен,
Дарё менинг гўрим, кечмгрим тупроқ.

Вафо ФАЙЗУЛЛА.

«Нишона»

А. ҲАЙИТОВ 1967 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ ноҳиясида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультети 2-курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.



Бир кун

ДАМ ШУ ДАМДИР, ЎЗГА ДАМНИ ДАМ ДЕМА.
(«Алпомиш» достонидан)

Бир кун — хотирамда чақнади чақин,
Бир кун маҳкум армон кўксим тилади.
Бир кун... Қолиб кетган ярмита ҳаққим —
Олис ўша кунга қайтгим келади...
Армонли йўллардан ўтаман ғариб,
Ғойибдан руҳимга қуйилар бир ун:
«Бугуннинг борар-ку ғафлатда қариб,
Ахир, қайтгинг келар унга ҳам бир кун...»

Савол

Хилқатим, бағримни ватан қилган сўз,
Қабоғим кўзида қадалган юлдуз,
Сийратим саҳнида товланган товус,
Сени севарманми?
Сочларим авраган алдоқчи шамол,
Ҳайкалга айланган самовий хаёл,
Зулматга чайилган қоп-қора савол:
Сени севарманми?
Ботиним мулкига тўкилган жавҳар,
Бир сулув руйига бекинган аждар,
Юрагим қинига тиқилган ханжар —
Сени севарманми?!

Дунё

Қурбақа, қурбақа, мунис қурбақа,
Чумоли, бормисан, қадрдон дўстим?
Бу фоний дунёга келдик, шунақа,
Кетармиз, бўлмасмиз дунёга устун.
Балки кўришмасмиз энди мутлақо,
Танимассиз мени кўрган маҳали.
Тақдири азал шу, мунис қурбақа.
Шу экан-да энди, дўстим чумоли...

Абдувоҳид ҲАЙИТОВ.

Кашшофлар ёзи



Жумҳуриятимиз бўйлаб мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари давом этмоқда. Кашшофлар лагерлари болаларнинг қувноқ кулгуларига, шодон қўшиқларига тўлиб кетган.

Ўзбекистон ноҳиясидаги «Ўқчи» қишлоғида жойлашган «Волга» кашшофлар лагери ҳам ёзги таътилда ўқувчиларга кенг қулоч ёзди. Ушбу маскан 24-Фарғона автобазасига қарашли. Бу ерда болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Лагерда ёз мавсуми давомида 640 нафар бола дам олади, — дейди тарбиячи Салима Райимова. — Уларнинг ҳар бир куни мазмунли ва ёдда қоларли бўлиши учун имконият даражасида ҳаракат қиляпмиз. Энг муҳими, болалар зерикиб қолишмаяпти.

СУРАТДА: тарбиячи Салима Райимова дам олувчилар билан.

Сураткаш У. ҚЎШВОҚОВ.

ФАХРИЙ ФУТБОЛЧИНИ ХОТИРЛАБ

Биз одатда билмадим, фахрланибми ёки ҳурмат юзасиданми, кўп соҳаларнинг «биринчи»ларини кўкларга кўтариб мақтаймиз. Лекин спорт оламида биринчи бўлганларни эса кам эслаймиз. Ўзбек футболи шуҳратини мамлакатга танитган фидойи футболчиларимиздан бири Лазиз Мақсудов ҳам биринчилардан эди. Дастлаб «Спартак» (Тошкент) сўнг «Пахтакор» сафида майдонга тушган, сочлари жингалак, эпчил Лазизни футбол мухлислари яхши эслашади. Унинг чаққон ҳаракатлари, рақибларини қойилмақом қилаб алдаб ўтиши, дарвозабонларни доғда қолдириши барчани ҳайратга соларди. 11 метрлик жарима тўпини тепишда командада унга тенг келадигани йўқ эди.

Мақсудовлар оиласи эски шаҳардаги «Спартак» стадиони ёнгинасида яшашар. Лазиз ҳам кўпгина тенгдошлари қатори катта ёшдаги футболчилар ўйинини зўр қизиқиш билан кузатарди. Тез орада футбол ёш ўсмирнинг хаёлини бутунлай қамраб олади.

Лазиз Мақсудовнинг устозлари Маъруф Ақбаров ва Дмитрий Казанцевлар эди. 1951 йилда тиббиёт билим юртини тугатган ёш йигит олдида иккита йўл турарди. Ё шу соҳада ўқишни давом эттириши, ё жисмоний тарбия ва спорт бўйича билим олиши керак эди. Оила аъзолари ва қариндошлари унинг шифокор бўлишини орзу қилишарди. Лекин у ҳеч иккиланмасдан иккинчи йўлни танлади.

«Пахтакор» Марказий стадионининг ишга туширилиши муносабати билан ана шу номда мастерлар футбол командаси тузилди. Команданинг биринчи капитани қилиб Лазиз сайланади. Лазиз Мақсудов Олег Моторин, Акмал Азизхўжаев, Анатолий Козенков, Қобил Муқимов, Геннадий Красницкий каби ўйинчиларимиз билан бир қаторда тўп суриб «Пахтакор»нинг команда сифатида мамлакатда обрў-эътибор қозонишига ўз ҳиссасини қўшади. 1958 йил унинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. У ўзбек футболчилари орасида биринчи бўлиб, «СССР спорт мастери» деган фахрий унвонга сазовор бўлди. Ёши ўтиб қолса ҳам футбол билан хайрлашмади. Олдинига «Пахтакор» футбол мактабида устозлик қилди. Орадан бироз вақт ўтгач, ўзи тўп суриб обрў топган мастерлар командасига тренерлик қила бошлади. Ўзининг жонкуяр футболчи, ташкилотчи тренерлиги билан ўзбек футболининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Ўзбек халқи ўзининг муносиб фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Яхши кунларда улар номини ёд этади. Яқинда Ғаллаоролда ажойиб футболчи Лазиз Мақсудов хотирасига бағишланган касаба уюшмалари кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг футбол бўйича (1976-77 йилларда туғилган ўсмирлар) жумҳурият биринчилиги бўлиб ўтди.

Биринчи босқич ўйинларидан кейин, баҳсларни давом эттириш учун тўртта — Хоразм, Жиззах, Бухоро, Тошкент вилояти командалари йўлланма олишди. Ўз навбатида Хоразм, Жиззах вилоятларидан енгилган Бухоро ва Тошкент вилоятлари вакиллари учинчи ўрин учун кураш олиб борадиган бўлишди. Бу ўйинда пойтахт вилоятининг ёш футболчилари бухороликлардан 2:0 ҳисобида енгилишди.

Жиззахликлар ва хоразмликлар ўртасида ўйин маҳаллий вақт билан соат 14.30 да бошланди. Кун иссиқлигига қарамай ўйинчилар анча яхши ўйнашди. Мухлислар сояда туриб зўрға нафас олаётган бир пайтда ўйинчилар бардошига қойил қолмасдан иложимиз йўқ эди.

Учрашув бош ҳаками Баҳодир Мирзаевдан бу ўйиннинг нима учун иссиқда, кун ярмида ўтказилиши сабабини сўрадик.

— Ҳаммасига айбдор — уларнинг транспорт билан яхши таъминланмаганлигидир. Ўйинни хоразмликларнинг илтимосларига биноан эрта ўтказяпмиз. Чунки улар ўйин тамом бўлиши билан Самарқандга, у ердан ўз юртларига йўловчи автобусида жўнаб кетишлари керак...

Биринчи бўлимда томонлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисоб очилмади. Танаффус пайтида хоразмлик футболчилар билан мулоқотда бўлдим. Улар мусобақаларнинг айни ёзги таътил пайтида ўтказилаётганидан хурсандлигини айтишди.

— Ўқиш даврида бундай мусобақаларга қатнашишнинг иложи бўлмасди, — дейди тренер Ражаббой Бекжонов. Ўйланг, бу ёққа уч кун, у ёққа уч кун вақт кетади. Маъмуриятдан гап эшитганимиз қоларди. Жумҳурият миқёсидаги мусобақаларнинг таътил пайтида ўтказишни ташкил қилганларга раҳмат.

Ёш истеъдодли футболчилар Алишер Ражабов, Ботир Раҳимов, Азамат Ёқубовларнинг ўйинларини кузата туриб кўнглимизда умид учқунлари ёлқинланди.

Ўйин тақдири иккинчи бўлимда ҳал бўлди. Кетма-кет уюштирилган ҳужумлар ўз самарасини берди. 15 минут ичида 4 марта рақиблар дарвозаси ишғол қилинди. Хоразмликлар эса битта тўп билан жавоб беришди, холос.

Ғолибларга совринларни Л. Мақсудовнинг ўғиллари Акмал ва Алишер Мақсудовлар топширдилар.

Халқимизнинг муносиб фарзанди Лазиз Мақсудов хотирасига ўтказилган хотира биринчилиги кўпчиликда катта таассурот қолдирди. 180 нафар ёш футболчи ана шундай ёрқин истеъдодли устозлари борлигидан хабар топдилар...

Мирза АБДУЛЛА.

«ТИРАС»—«ПАХТАКОР»—0:3

Мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. «Пахтакор»чилар Тирасподь шаҳрида маҳаллий «Тирас» командасига қарши майдонга тушдилар. Ўйиннинг иккинчи минутидаёқ ҳамюртларимиз ҳисобни очишди. Ажойиб ҳужумчи Игорь Шквирин маҳорат кўрсатиб, мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олди. Биринчи бўлим охиригача ҳисоб ўзгармади (1:0).

Танаффусдан сўнг майдон эгалари ҳам ўртадаги мувозанатни тенглаштиришга ҳаракат қилдилар. Лекин маҳоратли, ҳар ўйиндан ўйинга «очилиб» бораётган командамиз ҳимоячилари бу ҳужумларни усталик билан қайтаришди.

«Пахтакор»да «ҳимоячилар командаси» ўз бурчларини ўта масъулиятли равишда адо этишаётгани янада қувонарлидир. Лекин ҳужумкорликда ҳам улар бўш келишаётгани йўқ. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Тираспольдаги ўйинда анча тажрибали «фахрий» дарвозабонимиз Александр Яновский ўз ўрнини ёш, истеъдодли Анвар Жабборовга ишониб топширди. Анвар ҳақида кўпчилик мухлислар аввал ҳам ижобий фикрларни эшитган бўлсалар керак. У «Пахтакор»га Бухоронинг «Нурафшон» командасидан қабул қилинди. Илгари Жиззахнинг «Сўғдиёна» командасида ўйнаган. Бу орада у Душанбенинг «Помир»ига ҳам таклиф қилинган.

Иккинчи бўлим ҳам тошкентликларнинг устунлигида ўтди, десак янглишмаймиз. Биринчи лиганинг энг кўп тўп урари Шквирин 56-ҳамда 78-минутларда яна икки марта «Тирас» командаси дарвозасини «ишғол» қилди. Унинг шу пайтгача киритган тўплари 18 тага етди.

Шунингдек биринчи лигада карвонбошилик қилаётган Владикавказнинг «Спартак» командаси ҳам ўз майдонида Тюменнинг «Геолог» жамоасини қабул қилиб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Запорожьеликлар эса Кишинёвнинг «Нистру» командаси билан очколарни бўлишиб олдилар (1:1).

Ҳақиқатан ҳам кураш энди кучайиб бораяпти. Кучлилар сафида тўп суриш кимга насиб этишини ҳозирдан «башорат» қилиш қийин. Бизнинг неча йиллар давомида кутган умидларимиз балки бу йил амалга ошиб қолар. 1990 йил Ўзбекистон футболи тарихида қувончли из қолдирса ажабмас...

Энди ана шу турдаги қолган ўйинларнинг натижалари билан таништирамиз: «Кубань» — «Ростсельмаш» — 1:1, «Динамо» Сх — «Динамо» Ст — 1:0, «Зенит»—«Локомотив» Г — 1:1, «Нефтчи» — «Факель» — 3:1, «Котайк» — «Шинник» — 0:3, «Таврия» — «Қайрат» — 1:0.

ТВ

5 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Бетакрор». Телефильм. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Йигит ҳамиша йигит». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Абитуриент-90». Биология. 18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Қўғирчоқ фильм. 18.35 «Алифбо сабоқлари». 19.10 **КПСС XXVIII съезди кундалиги.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Мусиқа жавони». 20.30 Москва «Вақт». 21.00 «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради». 21.10 «Спортимиз шуҳратини тиклайлик». Ошкора мулоқот. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.10 «Лоқайдлик оқибати». Телефильм. 18.45 «Тижорат хабарлари». 18.55 «Давр тақозоси». Тошкентдаги «Компрессор» заводидан кўрсатув (рус тилида). 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади». 21.05 «Пайғом». Меҳнаткашларнинг хатлари асосида. 21.40 «Бу ўжар ижара». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм»). 22.00 «Ахбор». 22.20 Жумҳурият халқ артисти Наимжон Маҳкамов куйлайди.

МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан кўрсатилади. 10.15 «Яшил чигиртка». Мультфильм. 10.25 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.35 «Парнас сари бир босқич». 11.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 2-серия — «Шаҳзода Даккар». 16.25 «Ер ва денгиз қўшиғи». Кабо-Верди республикаси ҳақида ҳужжатли фильм («Молдовафильм» ва Кабо-Верди республикасининг Кинематография институти). 16.55 «Алиса Зазеркальеда». Мультфильм. 4-серия. 17.05 Шеърият лаҳзалари. 17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Ҳокимият — Советларга». 19.00 «Қўшиқни эслаб қол». Катталар ва болалар учун кўрсатув. 19.15 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.05 Долзарб интервью. 23.20 «ТСН» Янгиликлар телевизион хизмати.

МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.20 «Презент Континиус». Илмий-оммабоп фильм премьераси. («ЦНФ»). 8.45 Мультфильмлар: «Ташвишни қандай енгишди», «Эзгу орзу». 9.15 Литва ССР мусиқий фольклорининг концерти. 9.55 Л. Н. Толстой «Болалик». Ўспиринлик. Ёшлик». Телеспектакл. 2-қисм. — «Ўспиринлик». 10.55 Кичик концерт. 11.10 Ритмик гимнастика. 11.40 «Морис Бежар хореографияси». Фильм-концерт (Ленинград). 12.05 Болалар учун фильм. «Бурилиш ортида, у ерда нима гап?». 2-серия. 13.15 Денгиз пиёдалари президент оркестрининг концерти. (АҚШ). 15.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 8-фильм. 1-серия.

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Цап-Царапич ёрдамга ошиқади». 19.45 Ритмик гимнастика. 20.15 «Вертикаль». «...Ярим тун ва яна тонг». Қўғирчоқлар ясовчи рассом Е. В. Берданосова ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 20.45 «Павел Аедоницкий қўшиқлари». Фильм-концерт («Экран»). 21.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.30 «Клиника». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» «Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана. Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ. ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 04659. Д. — 23494.